

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

Факултет: Магистратура бўлими
Кафедра: Менежмент ва статистика

«Ҳимояга тавсия этилди»
Кафедра мудири, и.ф.н.
А.Н.Холикулов _____
“ ____ ” _____ 2019 йил
Баённома № ____

Шарипова Гулмира Тохировнанинг
“Ўзбекистон енгил саноатида бошқариш
тизимининг шаклланиши ва уни
ривожлантириш”
(маъсулияти чекланган жамияти
шаклидаги «AFROSIYOV JEANS» қўшма
корхонаси мисолида)
мавзусидаги магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар: иқтисодиёт фанлари доктори,
доцент О.М.Пардаев

САМАРҚАНД – 2019

КИРИШ -----	3
1-БОБ. Ўзбекистон енгил саноати – иқтисодиётнинг етакчи тармоғи сифатидаги ўзига хос ўрни ва аҳамияти. -----	9
1.1. Енгил саноат тармоқларининг юртимиз иқтисодиёти ривождаги ўрни ва ушбу соҳани тадқиқ қилишнинг илмий-назарий асослари.-----	9
1.2. Ўзбекистон енгил саноатининг асосий тармоқлари ва уларнинг ривожланиш омиллари.-----	14
2-БОБ. Ўзбекистон енгил саноатида бошқариш тизимининг шаклланиши ва ўзига хос хусусиятлари. -----	19
2.1. Енгил саноат тармоқларида бошқаришнинг объектив зарурияти ва мақсадга йўналтирилган жараён сифатидаги ўрни. -----	19
2.2. Мамлакатимиз енгил саноати тармоқларида бошқаришнинг асосий тамойиллари, усуллари ва унинг замонавий тузилиши. -----	28
2.3. Енгил саноат корхоналарида ишлаб чиқариш самарадорлигига таъсир қилувчи омиллар ва уларни аниқлаш йўллари-----	36
3-БОБ. Инновацион иқтисодиёт шароитида енгил саноат тармоқларида ишлаб чиқариш ва бошқариш тизимини ривожлантириш истиқболлари. -----	43
3.1. Инновацион иқтисодиёт шароитида енгил саноат корхоналари маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва улар савдосини ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари. -----	43
3.2. Енгил саноат тармоқларида ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги, уни ижтимоий ташкил этиш ҳамда экспорт салоҳиятининг таҳлили.-----	52
3.3. Енгил саноат корхоналарида бошқариш тизимини янада такомиллаштириш истиқболлари.-----	60
Хулоса ва таклифлар -----	67
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати -----	70
Иловалар -----	73

КИРИШ

Диссертация мавзусининг долзарблиги. Жаҳон иқтисодиётига интеграциялашув жараёнлари долзарблик касб этиб бораётган бугунги кунда энгил саноат корхоналарининг барқарор ривожланишига жиддий эътибор қаратилмоқда. Мазкур тармоқнинг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши ривожланган мамлакатларда, жумладан, Германия, Франция, АҚШда 6-8%ни, Италияда 12%ни ташкил этади. Бу мамлакатлар бюджетининг 20%гача қисмини тўқимачилик тармоғи ва кийим-кечаклар ишлаб чиқариш ҳисобига шакллантириш имконини беради. Жаҳонда охириги 10-15 йил ичида энгил саноати корхоналарини ривожланишида сезиларли ўзгаришлар кузатилмоқда. Иқтисодиётнинг глобаллашуви натижасида кийим-кечаклар ишлаб чиқариш маркази Европа ва АҚШдан «учинчи дунё» мамлакатлари, хусусан, Жанубий-Шарқий, Марказий Осиё, Жанубий Америка давлатларига кўчди¹.

Инновацион иқтисодиёт шароитида энгил саноат корхоналарини ривожлантириш бўйича бир қатор илмий тадқиқотлар, жумладан, кимёвий тола ва ишлардан шакл сақловчанлик хусусияти юқори бўлган, замонавий газламалар ва хом ашё сарфини қисқартириш имконини берадиган «енгиллаштирилган» трикотаж маҳсулотларини яратиш, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга имкон берадиган илғор техника ва технологияларни тадқиқ қилиш бўйича кенг қўламли илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада жаҳон амалиётида тўпланган тажрибаларни қўллашга алоҳида эътибор қаратиш ва республикамиз энгил саноати корхоналарини бошқариш самарадорлигини оширишнинг илмий асосларини такомиллаштириш, энгил саноат корхоналарини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш ва уларда бошқариш тизимини ривожлантириш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Республикамизда энгил саноат корхоналарини ривожлантиришда инновацион бошқарув усулларини қўллаш, инновация ва инвестицияларнинг

¹ www.oecd.org

бошқариш самарадорлигини ошириш, маҳсулот сифатини бошқариш тизимини такомиллаштириш орқали халқимизни сифатли тўқимачилик ва енгил саноат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини таъминлаш ҳамда тармоқнинг экспорт салоҳиятини оширишга қаратилган ишлар амалга оширилмоқда. «Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси»да «...юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришга қаратилган сифат жиҳатидан янги босқичга ўтказиш орқали саноатни янада модернизация ва диверсификация қилиш»² бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Мазкур вазифаларнинг самарали ижроси кучли рақобат шароитида Ўзбекистон енгил саноат корхоналарини ривожлантириш бўйича илмий таклиф ҳамда амалий тавсиялар ишлаб чиқишни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли, 2017 йил 14 декабрдаги «Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5285-сонли, 2018 йил 22 январдаги «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида»ги 5308-сонли фармонлари, 2016 йил 21 декабрдаги «2017-2019 йилларда тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги қарори ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг объекти бўлиб, маъсулияти чекланган жамияти шаклидаги «AFROSIYOB JEANS» қўшма корхонаси ҳисобланади.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли фармони. // www.lex.uz.

Тадқиқотнинг предмети. Инновацион иқтисодиёт шароитида энгил саноат корхоналарини бошқариш тизимини шакллантириш ва уни ривожлантириш стратегияларини ишлаб чиқиш бўйича иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг мақсади. Ўзбекистон энгил саноати корхоналарида бошқариш тизимини шакллантириш ва уни ривожлантириш стратегияларини ишлаб чиқиш бўйича илмий-услубий ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

- энгил саноат тармоқларининг юртимиз иқтисодиёти ривожига ўрни ва ушбу соҳани тадқиқ қилишнинг илмий-назарий асосларини ёритиб бериш.
- Ўзбекистон энгил саноатининг асосий тармоқлари ва уларнинг ривожланиш омилларини ўрганиш .
- энгил саноат тармоқларида бошқаришнинг объектив зарурат ва мақсадга йўналтирилган жараён сифатидаги ўрнини тадқиқ этиш.
- мамлакатимиз энгил саноати тармоқларида бошқаришнинг асосий тамойиллари, усуллари ва унинг замонавий тузилишини асослаш.
- энгил саноат корхоналарида ишлаб чиқариш самарадорлигига таъсир қилувчи омиллар ва уларни аниқлаш йўллари
- инновацион иқтисодиёт шароитида энгил саноат корхоналари маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва улар савдосини ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятларини изоҳлаш.
- энгил саноат тармоқларида ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги, уни ижтимоий ташкил этиш ҳамда экспорт салоҳиятини таҳлил қилиш.
- энгил саноат корхоналарида бошқариш тизимини янада такомиллаштириш истиқболларини белгилаш.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

- энгил саноат корхоналарида бошқариш тизими, тармоқдаги вазият ва тармоқ ичида рақобатбардошлик муҳитини яратишга қаратилган вертикал интеграция ёндашуви асосида такомиллаштирилган;

- енгил саноат корхоналари маҳсулотлари таннархини пасайтиришда сифатга салбий таъсир кўрсатмасликнинг оптимал салмоғини аниқлаш орқали асосланган ҳамда корхона фаолиятини бошқариш ишлари оқимини бошқариш тизими асосида такомиллаштирилган;

- енгил саноат корхоналарида самарали бошқариш жараёнларини оптимал танлаш омили асослаб берилган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида математик моделлаштириш, иқтисодий таҳлил, тизимли ва қиёсий таҳлил, бошқарув қарорини қабул қилишга ёндашув, статистик гуруҳлаш, таққослаш, таснифлаш усулларида кенг фойдаланилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

- енгил саноати корхоналарида бошқариш тизимининг асосий элементлари асосланган;

- енгил саноати корхоналаридаги бизнес-жараёнлар асосланган, ишлаб чиқариш ресурсларини бошқариш самарадорлигини ошириш бўйича тавсиялар берилган;

- инновацион иқтисодиёт шароитида енгил саноат корхоналарининг бошқариш тизимини ривожлантириш стратегияларини шакллантириш бўйича илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот мавзуси бўйича адабиётлар шарҳи. Стратегик бошқарувнинг назарий ва методологик асослари И.Ансофф, М.Портер, Г.Минцберг, Дж.Б.Куинн, С.Гошал, Р.Румельт, В.Л.Квинт каби чет эллик олимларнинг асарларида тадқиқ этилган ҳамда стратегик бошқарув концепцияси ривожлантирилган.³

МДХ олимлари А.М.Аронов, О.С.Виханский, В.А.Горемыкин, О.А.Богомолов, В.С.Ефремов, А.Т.Зуб, Н.О.Круглова, М.И.Круглов,

³ И.Ансофф Стратегическое управление / Пер. с англ. -М.: Экономика, 2002.; М.Портер Конкуренция: Пер. с англ. О.Л.Пеляевского. -Исправ. изд. -М.: Вильямс, 2005. -602 с.; Г.Минцберг, Дж.Б.Куинн, С.Гошал Стратегический процесс / Пер. с англ. -СПб.: Питер, 2001. -688 с.; Р.Румельт Оценка бизнес-стратегии / Г.Минцберг, Дж.Б.Куинн, С.Гошал Стратегический процесс. -СПб.: Питер, 2001. -130 с., В.Л.Квинт Стратегическое управление и экономика на глобальном формирующемся рынке. Учебник. -М.: РДЛ, 2012. -454 с.

Н.Н.Тренёв, Р.А.Фатхутдиновларнинг асарларида ҳам стратегик бошқарувнинг назарий ва услубий масалалари тадқиқ қилинган.⁴

Ўзбекистон миллий иқтисодиётининг рақобатбардошлилигини ошириш, стратегик бошқарувнинг назарий ва амалий жиҳатларини такомиллаштириш, шунингдек, енгил саноатнинг етакчи тармоқларидан бўлган енгил саноат корхоналарини ривожлантиришнинг назарий ва услубий асослари А.Ш.Бекмуродов, М.Р.Болтабаев, Н.Қ.Йўлдошев, У.А.Шодмонова, Г.М.Остонакулова, Д.С.Насырходжаева, С.Н.Юлдашев ва бошқа бир қатор олимларнинг ишларида ўз аксини топган.⁵

Шу билан бирга, енгил саноат корхоналарининг айнан кийим-кечак тикиш ва уни бошқаришни ривожлантириш стратегияларини ишлаб чиқиш муаммолари етарли даражада ёритилмаган. Ушбу ҳолат мазкур йўналишларда илмий изланишлар олиб бориш зарурлигини тақозо этади, ҳамда тадқиқот мавзусининг долзарблигини белгилайди.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти.
Инновацион иқтисодиёт шароитида Ўзбекистон енгил саноатида бошқариш

⁴ А.М.Аронов Ключевые факторы успеха стратегического планирования: Словарь-справочник. -СПб.: Лениздат, 2000. -95 с.; О.С.Виханский Стратегическое управление. 2-е изд. перераб. и доп. -М.: Экономист, 2005. -296 с.; В.А.Горемыкин, О.А.Богомоллов Экономическая стратегия предприятия. -М.: Филин, Ралант, 2001. -507 с.; В.С.Ефремов Стратегическое планирование в бизнес-системах. -М.: Финпресс, 2001.; А.Т.Зуб Стратегический менеджмент: Теория и практика. -М.: ИНФРА-М, 2002. -308 с.; Н.О.Круглова, М.И.Круглов Стратегический менеджмент: Учебник. -М.: РДЛ, 2003. -462 с.; Н.Н.Тренёв Стратегическое управление. -М: Приор, 2002. -288 с.; Р.А.Фатхутдинов Производственный менеджмент: Учебник. 6-е изд. -СПб.: Питер, 2008. -496 с.

⁵ А.Ш.Бекмуродов, Янг Сон Бе. Стратегия развития текстильной промышленности Узбекистана: Кластерный подход. Монография. -Т.: ТГЭУ, 2006. -112 с.; М.Р.Болтабаев Ўзбекистон Республикаси тўқимачилик саноати экспорт имкониятларини ривожлантиришда маркетинг стратегияси: иқтисод фанлари доктори дисс. автореф. -Т.: ТДИУ, 2005. -40 б.; Н.Қ.Йўлдошев, М.Р.Болтабаев, О.К.Рихсимбоев, Б.О.Ғаниев Стратегик менежмент. Ўқув қўлланма. -Т.: ТДИУ, 2003, -102 б.; У.А.Шодмонова Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида енгил саноатнинг барқарор ривожланиш хусусиятлари: иқтисод фанлари номзоди диссертацияси. Ижтимоий-иқтисодий тадқиқотлар маркази. -Т.: 2006. -149 б.; Г.М.Остонакулова Ипакчилик тармоғи ривожланишининг маркетинг стратегияси: иқтисод фанлари номзоди диссертацияси. -Т.: ТДИУ, 2010. -147 б.; Д.С.Насырходжаева Формирование стратегии развития промышленных предприятий на отраслевых рынках: Автореф. дисс. докт. экон. наук, -Т.: АН РУз Институт экономики, 2011. -47 с.; С.Н.Юлдашев Акциядорлик жамиятларида давлат мулкани бошқариш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш йўллари: иқтисод фанлари номзоди диссертацияси. -Т.: ТДИУ, 2010. -167 б.

тизимини шакллантириш ва ривожлантириш йўллари ишлаб чиқиш бўйича берилган таклифлар асосида маъсулияти чекланган жамияти шаклидаги «AFROSIYOB JEANS» қўшма корхонаси фаолиятига жорий этилган.

Диссертация мавзуси бўйича жами 2 та илмий иш чоп этилган, шулардан 1 та республика журналида, 1 та илмий-амалий конференция материалларида чоп қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши таркибий жихатдан кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми жами 73 бетни ташкил этган.

1-БОБ. Ўзбекистон енгил саноати – иқтисодиётнинг етакчи тармоғи сифатидаги ўзига хос ўрни ва аҳамияти.

1.1. Енгил саноат тармоқларининг юртимиз иқтисодиёти ривожигаги ўрни ва ушбу соҳани тадқиқ қилишнинг илмий-назарий асослари.

Инновацион иқтисодиёт шароитида мамлакатимизда кенг турдаги сифатли енгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилишини ташкил этиш, унинг ишлаб чиқарилишини маҳаллийлаштиришни чуқурлаштириш, шунингдек, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг экспорт салоҳиятини оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўтган давр мобайнида енгил саноат тармоқларини ривожлантириш учун зарур ҳуқуқий база ва қулай шароитлар шакллантирилди.

Шунингдек, юртимизда енгил саноат корхоналарини ривожлантиришда инновацион бошқарув усулларини қўллаш, инновация ва инвестицияларнинг бошқариш самарадорлигини ошириш, маҳсулот сифатини бошқариш тизимини такомиллаштириш орқали халқимизни сифатли енгил саноат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини таъминлаш ҳамда тармоқнинг экспорт салоҳиятини оширишга қаратилган ишлар амалга оширилмоқда.

Маълумки, ҳозирги кунда енгил саноат маҳсулотларини дунё мамлакатлари томонидан ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш, хусусан пахта толасидан тайёрланган ип калаванинг жаҳон бозоридаги экспорти динамикаси ижобий тенденцияга эга. Сўнгги йилларда, енгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи ва экспорт қилувчи мамлакатларнинг жаҳон бозоридаги экспорти улушида Хитой 24 фоизни, АҚШ 19 фоизни, Ҳиндистон 13 фоизни, Покистон 8 фоизни, Ўзбекистон 5 фоизни, Африка мамлакатлари 5 фоизни, Туркия 4 фоизни, Бразилия 4 фоизни, Австралия 3 фоизни, Греция 2 фоизни ташкил этмоқда”⁶.

Юртимизда мустақиллик йилларида юз берган ўзгаришлар қаторида жаҳон иқтисодий тизимига кириб бориши йўлларини белгилаш каби

⁶ www.oecd.org

тадбирлар мавжудлиги бир неча бор таъкидланиб, бу борадаги охириги йилларда кўлга киритилган жиддий ютуқларимиз жаҳон жамоатчилиги эътиборини мунтазам жалб этмоқда.

Республикамызда соҳа доирасида амалга оширилаётган ислохотлар кўлами энгил саноат маҳсулотлари ҳажмини йилдан-йилга оширишнинг истиқболли режаларини тадбиқ этмоқда. Жумладан, тўқимачилик ва энгил саноатнинг 2014–2020 йиллардаги ривожланишининг мақсадли прогноз кўрсаткичларига мувофиқ, мазкур саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 2020 йилга қадар 6,9 трлн. сўмни ташкил этиши, бунда ип калава ишлаб чиқариш ҳажми 2,5 баробарга, газлама ишлаб чиқариш ҳажми 2,8 баробарга, шойи газлама ишлаб чиқариш ҳажми 2,7 баробарга, нотўқима матолар ишлаб чиқариш ҳажми 1,5 баробарга, трикотаж матолар ишлаб чиқариш ҳажми эса 2,7 баробарга ортиши белгиланганлиги юқори аҳамиятга моликдир⁷.

Мамалакатимизнинг энгил саноати корхоналари маҳсулотлари билан халқаро бозорларда рақобатчилик қила оладиган мамлакат сифатида ўз ўрнини эгаллаши, энгил саноати маҳсулотларини сотишнинг мақбул тизимини шакллантириш, хусусан, халқаро маркетинг концепциясини ишлаб чиқишга алоҳида талабларни қўяди. Ушбу ҳолат эса, энгил саноат маҳсулотларига бўлган талабни шакллантириш ва самарали савдосини рағбатлантириш механизмларини замонавий бозор талаблари асосида ривожлантириш борасидаги мавжуд муаммоларни ҳал этишга бевосита боғлиқ.

Бугунги кунда республикамызда ҳудудий ривожлантириш борасида ишлаб чиқилаётган бир қатор дастурларда ҳам энгил саноат тармоғини тараққий эттириш асосида жойларда маҳаллий ишлаб чиқариш кўламини ошириш, шу асосда ишсизлик даражасини пасайтириш бўйича сезиларли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 декабрда тасдиқланган “2017-2019 йилларда

⁷ Давлат статистика кўмитаси прогноз кўрсаткичлари

тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури”га асосан, 2020 йилга қадар 132 та инвестицион лойиҳа амалга оширилиши, улардан 50 фоизи хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳисобидан молиялаштирилиши назарда тутилган. Бундай лойиҳаларнинг умумий қиймати эса 2,2 млрд. долларни ташкил этади. Шу билан бирга, ушбу дастурга мувофиқ, 112 та замонавий, юқори унумли ишлаб чиқариш корхоналари ташкил этилади. Бу эса, ўз навбатида, мамлакат экспорт салоҳиятини қарийб 2,5 млрд. долларгача кўпайтириш ҳамда миллионлаб иш ўринларини яратиш имконини беради.

Бу борада амалга оширилаётган чора-тадбирлар энгил саноат тармоғининг янада жадал ривожланиши, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ассортиментни кенгайтириши таъминлайди. Бундай ёндашув эса, соҳага хорижий инвестицияларни кўпроқ жалб қилиш имконини беради.

Ҳозирги кунда мамлакатимиз энгил саноати корхоналарининг асосий қисми 500 дан ортиқ йирик корхона ва бирлашмаларни ўз ичига қамраб олган бўлиб кўпгина ишлаб чиқариш тармоқларини (ип газлама, тикув трикотаж, чини, тиббиётга мўлжалланган маҳсус иш кийимларини ишлаб чиқариш ва шу кабиларни) бирлаштирувчи “Ўзбекенгилсаноат” ДАК ҳиссасига тўғри келади. Шунингдек, мамлакатимизда пахта, аралаш ва ипак газламалар, тикувчилик, трикотаж ва тери маҳсулотлари ҳамда бош кийимлар, пайпоқлар, тўқимачилик галантерияси ва фурнитураси ишлаб чиқараётган корхоналар 2020 йилнинг 1 январига қадар даромад солиғи, мол-мулк солиғи, кичик корхоналар ва микрофирмалар ягона солиғи, Республика Йўл фонди тўловларидан озод қилинган. Бундан ташқари ушбу корхоналар олиб келинаётган асбоб-ускуналар, эҳтиёт қисмлар ва Республикада ишлаб чиқарилмаётган хом-ашё ва материаллар учун божхона солиғидан озод қилинган. Мамлакатимизда олиб борилаётган мана шундай пухта ўйланган ислоҳотларнинг изчил амалга оширилиши натижасида саноат тармоғининг

барча йўналишлари, айниқса енгил саноат соҳаси жадал ривожланиб, иқтисодиётнинг етакчи секторларидан бирига айланди⁸.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг ҳозирги босқичида иқтисодиётнинг локомативи бўлган саноат тармоғини янада ривожлантириш масаласига алоҳида аҳамият берилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони билан тасдиқланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси учинчи устувор йўналишининг “Таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш” деб номланган бандида қуйидаги вазифалар белгилаб берилган:

- юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало маҳаллий хом ашё ресурсларини чуқур қайта асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришга қаратилган сифат жиҳатидан янги босқичга ўтказиш орқали саноатни янада модернизация ва диверсификация қилиш;

- иқтисодиёт тармоқлари учун самарали рақобатбардош муҳитни шакллантириш ҳамда маҳсулот ва хизматлар бозорида монополияни босқичма-босқич камайтириш ва бошқалар⁹.

Шунингдек, 2018 йил 28 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Парламентга йўллаган Мурожаатномасида ҳам иқтисодиётнинг барқарор ўсиши биринчи навбатда, етакчи соҳалар ривожига бевосита боғлиқлиги ҳамда иқтисодиёт ривожига жиддий туртки берадиган

⁸ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 декабрда тасдиқланган “2017-2019 йилларда тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури”.

⁹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони // “Халқ сўзи”. 8 феврал 2017 йил.

соҳаларни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш лозимлиги таъкидланган¹⁰.

Алоҳида эътироф этиш жоизки, юртимизда тайёрланаётган енгил саноат маҳсулотларига хорижда ҳам талаб катта. Бунга сабаб миллий пахта толасидан ишлаб чиқарилаётган халқ истеъмоли моллари ўзининг табиийлиги, юқори сифати билан ажралиб туради.

Ҳозирги кунда юртимизда енгил саноат корхоналари томонидан калава ипдан тортиб то тайёр енгил саноат маҳсулотларигача кенг ассортиментли экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Бу соҳада иқтисодиётимиз таркибидаги экспортёр корхоналар сони 260 тага етиб, улар ишлаб чиқарган маҳсулотлар экспорти таркибига бамбукли, меланж ва аралшма калава ип, жаккард ва ригел матолар, тайёр тикув-трикотаж каби янги турдаги маҳсулотлар кўшилмоқда ва умумий ҳисобда 50 дан ортиқ давлатга енгил саноат маҳсулотлари экспорт қилинмоқда. Сўнгги йилларда Лихтенштейн, Мавритания, Покистон, Грузия, Хорватия, Нигерия каби худудлардаги бозорларга ҳам юртимизда етиштирилган енгил саноат корхоналари маҳсулотлари кириб бормоқда.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон енгил саноат корхоналари ташқи бозорларни диверсификация қилиш ҳамда экспорт номенклатурасини ошириш мақсадида Германия, Корея, Хитой, Россия, Белорусь, Латвия, Туркия каби мамлакатларда ўтаётган Халқаро кўрғазмаларда фаол иштирок этиб келмоқда. Маҳаллий ва хорижий истеъмолчилар талабини ўрганиш, экспорт географиясини кенгайтириш ҳамда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни янги бозорларда сотиш ва салоҳиятли харидорлар билан янги шартномалар тузиш мақсадида 100 дан ортиқ корхонанинг бир қатор халқаро енгил саноат маҳсулотлари ва тўқимачилик кўрғазмаларида иштирок этиши назарда тутилган. Мамлакатимиз енгил саноат корхоналарининг бундай

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Халқ сўзи. 2018 йил 29 декабр. №271-272ю.

халқаро кўргазмаларда иштирок этиши эса, уларнинг экспорт салоҳиятини янада юқори поғоналарга кўтариш имконини беради.

1.2. Ўзбекистон енгил саноатининг асосий тармоқлари ва уларнинг ривожланиш омиллари.

Бизга маълумки, енгил саноат иқтисодиётнинг муҳим бўғини ҳисобланади. Мустақиллик йилларида енгил саноат мамлакатимиз макроиқтисодиёт комплексида муносиб ўрин эгаллади. Ҳозирги кунда мамлакатимиз енгил саноати Давлат Ҳиссадорлик уюшмаси, “O’zbekyengilsanoat” уюшмасидан иборат бўлиб, “O’zbekyengilsanoat” уюшмаси бир қатор корхоналарни, яъни тўқимачилик, трикотаж, тикувчилик ва чинни ишлаб чиқариш корхоналарини ўз ичига олади. Шунингдек, “O’zbekyengilsanoat” уюшмаси йирик уюшмалар ва корхоналардан, ҳамда бир қатор филиаллар, модалар уйи ва фирма савдоси билан шуғулланадиган тармоқларни ҳам ўз ичига олади. 2003 йилдан бошлаб тармоқда замонавий тўқимачилик комбинатлари қурилиб, улар ўз ичига пардозлаш, трикотаж ва тикув ишлаб чиқариш жараёнларини ҳам олган. Бу объектлар асосан чет элнинг тўғридан-тўғри инвестицияларини тармоққа жалб этиш натижасида ишга туширилмоқда. “O’zbekyengilsanoat” акциядорлик жамияти таркибига замонавий техника билан таъминланган 312 тўқимачилик, тикувчилик ва трикотаж, шунингдек, шойи маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган корхоналар киради. Ушбу корхоналар ташқи бозорга калавадан тортиб тайёр буюмларгача бўлган кенг турдаги маҳсулотлар етказиб бериш имкониятига эгадир. Замонавий дизайн ва юқори сифат кўрсаткичлари ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар рақобатбардошлигини таъминлаб, уларнинг халқаро бозорда муносиб ўрин эгаллаш имконини бермоқда. Айти пайтда “O’zbekyengilsanoat” акциядорлик жамияти корхоналари ўз маҳсулотларини дунёнинг 55 мамлакатига экспорт қилмоқда ва бу кўлам мунтазам кенгайтирилмоқда.

Бугунги кунда тармоқнинг ЯИМдаги улуши 9,6 фоизни ташкил этмоқда. Чет эл инвестициялари ва технологияларини жалб этиш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, илғор хориж тажрибаси асосида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган самарали сиёсат юқори ишлаб чиқариш кўрсаткичларига эришишга хизмат қилаётганлиги таъкидланди. Бугунги кунда Ўзбекистонда ва Тошкент шаҳрида жами 60 турга яқин энгил саноат тармоқлари бўлиб, биргина “Трикотаж буюмлар – ишлаб чиқариш, сотиш бўлимлари”нинг 103дан ортиғи республикамиз бўйича ўз фаолиятларини олиб боришмоқда. Инновацион иқтисодиёт шароитида энгил саноат тизими корхоналарининг моддий-техник жиҳатдан қўллаб-қувватланиши ва ишлаб чиқариш доирасини кенгайтирилиши борасида олиб борилаётган узвий чора-тадбирлар мазкур соҳа корхоналари томонидан тайёрланаётган маҳсулотлар ҳажмини республика ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришининг ҳамда миллий экспорт умумий ҳажмида салмоқли ўрин эгаллашига замин яратмоқда (1-жадвал).

1-жадвал.


Ўзбекистон Республикаси ялпи ички маҳсулоти ва экспорти ҳажмида энгил саноат корхоналари маҳсулотларининг улуши¹¹

Йиллар	Кўрсаткичлар		
	ЯИМ ҳажми, амалдаги баҳоларда млрд. сўм	Энгил саноат корхоналари маҳсулотлари ҳажми, млрд. сўм	Энгил саноат корхоналарининг ЯИМдаги салмоғи, фоиз
2007	28 190,0	2 532,8	9,0
2008	38 969,8	2 993,8	7,7
2009	49 375,6	3 436,0	7,0
2010	62 388,3	4 593,1	7,4
2011	78 764,2	5 640,7	7,2
2012	97 929,3	6 566,6	6,7
2013	120 861,5	8 469,3	7,0
2014	145 846,4	10 570,5	7,2

¹¹ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

2015	171 369,2	15 782,0	9,2
2016	199 325,1	19 652,2	9,9
2017	249 100,0	24 565,25	9,9
2018	407 500,0	39 304,4	9,6

Мазкур жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, 2007-2018 йиллар мобайнида энгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмида ўсиш кузатилса-да (йиллик ўртача ўсиш 1,7 млрд. сўмни ташкил этган), бундай маҳсулотларнинг мамлакат ялпи ички маҳсулоти ҳажмидаги салмоғи 2013 йилга қадар пасайиб бориш тенденциясига эга бўлган. Ушбу ҳолат эса, мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот таркибини кенг миқёсда диверсификация қилиниши билан боғлиқдир. Бу эса, республикаимизда энгил саноат маҳсулотлари хомашё захирасининг кўплиги, ишлаб чиқариш имкониятлари (ишчи кучи арзонлиги, ишлаб чиқариш ускуналарининг янгиланиш даражасининг тезлиги ва ҳ.к.)нинг юқорилиги ҳамда соҳага эътибор қаратилаётганлиги сабабли, тайёр энгил саноат маҳсулотлари ҳажмини оширишга эришиш мақсадга мувофиқ эканлигидан далолат беради.



1-расм. Ўзбекистон Республикаси ялпи ички маҳсулоти ва экспорти ҳажмида энгил саноат корхоналари маҳсулотларининг салмоғи динамикаси¹²

¹² Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан

Мақсадга эришиш йўлида қуйидаги йўналишларда самарали иш ташкил этиш зарур:

- а) ишлаб чиқарилаётган енгил саноат маҳсулотларининг ҳудудий тақсимланишидаги мутаносибликни таъминлаб бериш;
- б) ишлаб чиқарилаётган енгил саноат маҳсулотлари экспорти ҳажмини янада ошириш бўйича ўтказилаётган халқаро ярмаркалар сифатини яхшилаш.

Енгил саноат тизими республикаимиз саноатининг бошқа соҳаларига нисбатан мукаммаллашиш ва ривожланишнинг узок йўлини босиб ўтган йўналишларидан бири ҳисобланади. Соҳани бошқариш ва тараққий эттириш бўйича изчил амалга оширилган ислохотлар енгил саноат маҳсулотларини нафақат ички мамлакатимиз бозорларида, балки жаҳон бозорларида ҳам иштирокини кенгайтиришга имкон яратди.

Ушбу енгил саноат тармоғининг стратегик вазифаси нафақат ярим тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш, балки экспортга мўлжалланган тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш, инвестицион дастурларни амалга ошириш, янги қувватларни ишга туширишда ҳудудларнинг талабини ҳисобга олиш бўлиб ҳисобланади.

Қуйида “O’zbekyengilsanoat” акциядорлик жамиятининг 2016-2017 йиллардаги асосий кўрсаткичлари, уларнинг ўзгариш динамикаси бўйича маълумотлар келтирилган (2 -жадвал).

2-жадвал

“O’zbekyengilsanoat” АЖнинг 2016-2017 йиллардаги асосий кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар номи	Ўлчов бирлиги	2016 йил	2017 йил	Мутлоқ ўзгариш	Ўсиш суръати
		Ҳисобот бўйича	Ҳисобот бўйича	(+;-)	%

ишлаб чиқилган.

Саноат маҳсулоти ҳажми	трлн.сўм	3764,3	3970,6	206,3	105,5
Шу жумл., натурал шаклда:					
Йиғирилган ип	минг.тн.	352,2	382,6	30,4	108,6
Газламалар	млн.кв.м.	196,2	203,4	7,2	103,7
Тўқима бўз	минг.тн	63,4	71,8	8,4	113,2
Тикув-трикотаж маҳсулотлари	млн.дона	257,6	286,9	29,3	111,4
Пайпоқ маҳсулотлари	млн.жуфт	52,7	64,3	11,6	122,0
Халқ истеъмол моллари	млрд.долл	1952,3	2455,8	503,5	125,8
Умумий товар маҳсулотиди тайёр маҳсулотлар улуши	%	48,0	52,7	4,7	109,8
Экспорт	млн.долл	1446,7	1855,4	408,7	128,3
Экспортнинг умумий ҳажмида тайёр маҳсу- лотлар экспортининг улуши	%	52,0	83,5	31,5	160,6
Ўзлаштирилган инвестициялар, жами	млн.долл	230,6	265,8	35,2	115,3
Шу жумладан:					
Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар	млн.долл	135,6	177,9	42,3	131,2

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2017 йилда 2016 йилга нисбатан барча кўрсаткичлар бўйича мутлоқ ўзгариш ва динамикасининг ўзгаришида ўсиш суръатлари кузатилмоқда. Бу эса ўз навбатида давлатимиз томонидан олиб борилаётган чора-тадбирлар ва яратилаётган шарт-шароитлар соҳадаги ижобий кўрсаткичларга эришиш учун замин яратмоқда.

2-БОБ. Ўзбекистон енгил саноатида бошқариш тизимининг шаклланиши ва ўзига хос хусусиятлари.

2.1. Енгил саноат тармоқларида бошқаришнинг объектив зарурияти ва мақсадга йўналтирилган жараён сифатидаги ўрни.

Бошқарувнинг муайян тизими ёрдамида ҳар қандай ишлаб чиқариш жараёни оқилона ҳаракат қила олади ва ривожланади. Шунинг учун ижтимоий меҳнат тақсимооти асосида жамият ўзига хос ва мос бошқарув тизимини яратади.

Ишлаб чиқаришда “Бошқарув” тушунчаси узок ўтмишли тарихий тараққиётга эгадир. Ушбу тушунчанинг юзага келиши эса инсоният тараққиётининг энг муҳим жараёнларидан бири ҳисобланади. Тарихий тараққиётнинг дастлабки даврларида инсонлар ўз билим ва тажрибасига асосланган ҳолда ишлаб чиқаришни бошқарган бўлсалар, техника-технологиянинг секинлик билан ривожланиши, ишлаб чиқариш суръатларининг ўсиши ва ҳар хил ташкилий шароитлар юзага келиши натижасида бошқарув фаолияти анча мураккаблашиб борди.

Америка инженери Фредерик Уинслоу Тейлор менежмент ва меҳнатни илмий бошқариш асосчиси сифатида бошқарувнинг бир қатор назарий ва амалий вазифаларини асослаб берган. Ф.У.Тейлор бошқарувга “Бошқарув – бу нима қилиш кераклигини, уни энг яхши ва қулай усулда амалга оширишни аниқ билиш санъати” деб таъриф берган.

Турли хил олимлар томонидан турли адабиётларда “Бошқарув” тушунчасига турлича таърифлар келтирилган бўлиб, булар қуйидагилардан иборатдир.

Бошқарув – алоҳида функция бўлиб, турли-туман соҳалар (мамлакат ва унинг ҳудудлари, миллий иқтисодиёт ва унинг тармоқлари, корхона ва унинг бўлимлари)да инсонлар устидан раҳбарлик қилиш фаолияти бўлиб ҳисобланади.

Бошқарув – ташкилотнинг мақсадини ифодалаш ва унга эришиш учун зарур бўлган режалаштириш, ташкил этиш, иштиёқни ўйғотиш ва назорат қилиш бўйича фаолият тури жараёндир.

Бошқарув – шундай фаолиятки, унинг ёрдамида уюлмаган жамоа (халойиқ ёки тўда) самарали ва аниқ мақсадга йўналтирилган унумли гуруҳга айлантирилади.

Бошқарув – маълум жараёнга, организм ва жамоага мақсадли таъсир кўрсатишни ўзида ифода этувчи ижтимоий фаолиятнинг бир туридир.

Бошқарув – муайян ахборотга асосланган ва мавжуд дастурга мувофиқ объектнинг ишлашини, яъни фаолият кўрсатишини таъминлашга йўналтирилган тадбирлар мажмуасидир.

Машхур француз олими Анри Файоль ҳам бошқарувга қуйидагича таъриф беради: “Бошқарув – бу, корхона ихтиёридаги барча ресурслардан максимал фойда олган ҳолда уни мақсад сари етаклаш фаолиятидир”.

Шунингдек, яна бир адабиётда “Бошқарув – бу объектив зарурият ва мақсадга йўналтирилган жараёндир” деб таъриф берилган бўлса, яна бир манбада “Бошқарув – бу ташкилотнинг ўз олдига қўйган мақсадида эришиши учун йўналтирилган жараёндир” дейилган.

Бошқарув менежмент атамасининг синоними эканлигини ҳисобга оладиган бўлсак, “Менежмент – бу мавжуд хом-ашё, моддий, молиявий ва интеллектуал ресурслардан ишлаб чиқаришда унумли фойдаланган ҳолда энг юқори самараларга эришишга қаратилган бошқарув санъатидир”.

Юқоридаги келтирилган таърифлардан келиб чиқиб, “Бошқарув” тушунчасига биз ҳам қуйидагича таъриф беришимиз мумкин: “Бошқарув – бу корхонанинг олдига қўйган мақсадига эришиш йўлидаги маълум бир шаклга келтирилган танлов, режалаштириш, башоратлаш, ташкиллаштириш, йўналтириш, қарор қабул қилиш ва унинг бажарилишини назорат қилиш каби йўналишларни ўз ичига қамраб олувчи доимий ҳаракатдаги жараён ҳисобланади”.

Саноатнинг етакчи тармоқларидан бири саналган енгил саноатни бошқариш зарурияти тўғрисида сўз юритар эканмиз юқорида келтириб ўтилган таърифларни янада кенгайтириш ва мазмунан бойитиш зарурияти келиб чиқади. Енгил саноатни бошқаришнинг объектив заруриятини изоҳлаган ҳолда шуни таъкидлаш керакки, йирик миқёсда амалга ошириладиган, ҳар қандай тўғридан-тўғри қилинаётган меҳнат, ишлаб чиқариш маълум даражада бошқариш функциясига муҳтож бўлади. Бошқарув ҳар қандай ижтимоий жамиятга хос жараён бўлиб, у индивид ёки жамоа фаолиятининг алоҳида тури сифатида номоён бўлади ва унинг тавсифи, мақсади, вазифалари жамият тараққиётининг турли босқичларида турлича бўлиши мумкин.

Иқтисодиёт соҳасида бошқаришнинг энг муҳим масалаларига кўйидагиларни киритишимиз мумкин:

- жамият тараққиётининг янги шароитларида бошқаришнинг назарий асослари ва фундаментал қоидаларини илмий ва амалий томондан ишлаб чиқиш, яъни бошқарувнинг моҳияти, аҳамияти, мазмуни, мақсади ва вазифаларини аниқлаш;

- бозор иқтисодиёти ва хўжалик фаолиятини демократлаштириш тамойиллари ҳамда усуллари билан уйғунлаштирган ҳолда бошқарувни амалга ошириш;

- ҳар қандай жараёнда бошқаришнинг энг юқори самара келтирадиган усулларини аниқлаш;

- ҳар бир бошқарув органларининг ташкилий тузилмасини, уларнинг функцияларини, ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқ белгилаб бериш;

- бошқарувнинг ҳар бир босқичини янги замонавий техника ва технология билан таъминлаган ҳолда, унда статистик ва иқтисодий-математик усулларни кенг жорий этиш, ахборот таъминоти ва бошқарув жараёнида фойдаланиладиган ҳужжатлар тизимини янада такомиллаштириш;

- замонавий иқтисодиёт шароитига мос бошқаришнинг энг самарали усулларини танлаш ва уларни жараёнга жорий этиш;

- енгил саноат тармоғини бошқаришда хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибаларидан кенг миқёсда фойдаланиш.

Бошқарув бевосита бошқарув субъекти ва объекти тушунчалари билан узвий боғлиқ бўлиб, бунда: Бошқарув субъекти – бу юридик ёки жисмоний шахслар бўлиб, улар амалдаги қонунлар доирасида юқори турувчи ташкилотлар томонидан берилган ваколатларга кўра ҳуқуқий таъсир юзага келиши билан ўз фаолиятларини амалга оширишади. Бошқарув объекти – бошқарув субъектининг ҳуқуқий таъсири йўналтирилган жараёнлар мажмуасидир. Бошқарув жараёни қайси соҳа ёки тармоқда амалга оширилмасин, у цикли ва айни вақтда узлуксиз ҳисобланади. Бунда бошқарув даври мақсаднинг белгиланишидан то унга эришилгунгача бўлган даврни ўз ичига олади. Оқибатда эса бошқарувнинг босқичлари юзага келади ва улар қуйидагилардан иборатдир (2-расм):



2-расм. Бошқарув босқичлари

Бунда бошқарув мақсади эса, субъект томонидан олдиндан ўйланган, мўлжалланган ва албатта эришиши зарур бўлган маълум бир фаолият натижаси бўлиб ҳисобланади. Енгил саноат корхоналари мақсади – бу кўп ва сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни ўз вақтида сотиб, фойдани қўлга киритишдир.


Бошқарув тизимининг таъсир доирасини кенгайтириш ва самарали ташкил этишда қуйидаги асосий шартларга риоя этиш талаб этилади:

- бошқаришнинг субъекти унинг объекти билан, шунингдек барча босқичма-босқич қуйи бўғинлари билан ўзаро тизимли боғлиқ бўлиши лозим;
- бошқарувчида мақсадли бошқариш механизми бўлиши лозим;
- бошқарувчи ўзи бошқараётган барча бошқарув бўғинлари доирасида тўлиқ маълумотга эга бўлиши шарт;
- бошқарувчи барча ташқи ва ички таъсирларга тайёр бўлиши ва ҳар қандай ҳолатда ҳам бошқарувни қўлдан чиқармаслиги зарур;

Юқорида санаб ўтилган барча шартларга тўлиқ риоя қилиниши бошқарув самарадорлигини оширади. Енгил саноат корхоналари бошқарувида қўйилган мақсадга эришишда аниқ вазифалар белгилаб олинади. Ушбу вазифаларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

1. Илмий ва амалий асосланган ҳолда келгуси давр учун оптимал режаларни тузиш;
2. Мавжуд имкониятларни инобатга олган ҳолда корхонанинг ички, моддий ва ижтимоий тузилмасини тўғри ташкил этиш;
3. Кадлар таъминотини тўғри йўлга қўйиш;
4. Ресурсларни тўғри ва самарали бошқариш;
5. Жорий этилган жараёнларнинг амалга ошишини назорат қилиш.

Енгил саноат корхоналарида бошқарув жараёни одатда қуйидагича амалга оширилади (3 -расм):



3-расм. Енгил саноат корхоналарида бошқарув жараёнининг амалга оширилиши.

Тадқиқотимиз объекти сифатида танлаб олинган, Самарқанд шаҳрида жойлашган масъулияти чекланган жамияти шаклидаги “AFROSIYOV JEANS” кўшма корхонаси 2014 йилда ташкил этилган бўлиб, асосий фаолият тури жинси ва габардин ва трикотаж матосидан кийим-кечак маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳамда уларни сотишдан иборатдир. Корхонанинг устав фонди жами 1968,7 млн. сўмни ташкил этиб, корхона таъсисчилари улуши эвазига шаклланган. Бунда таъсисчилар улуши: “Zarafshon tekstil” МЧЖ – 25,40%, Хатамов Бахтиёр Давронович – 41,58 % ва “Zarafshon TRADING” компанияси (БАА) – 33,02 % ни ташкил этади. Корхонада жами ишчи ва ходимлар сони 518 кишини ташкил этади. Корхонанинг йиллик ишлаб чиқариш қуввати 34800000,0 минг сўмни ташкил этади. Ушбу енгил саноат корхонасига Япониянинг JUKI компанияси тикув ускуналари, Туркиянинг TOLON ва SILA компанияларининг 5 та жинси матосини ювиш ва ишлов бериш ускуналари, 1 та озон генератори, 7 та тозалаш роботлари, 1 та қуритиш камераси, 4 та дазмоллаш ускуналари ўрнатилган. Корхона ихтиёрида жами 3 донга транспорт воситалари мавжуд. 2018 йил якуни билан


жами ишлаб чиқарилган жинси ва трикотаж маҳсулотларининг умумий миқдори 930946 донани ёки умумий қийматда 31 284 000,0 минг сўмни ташкил қилган. 2018 йилда ушбу корхонада ишлаб чиқарилган маҳсулотлар маҳаллий бозорга ва экспортга чиқарилган. 2018 йил якуни бўйича ишлаб чиқарилган трикотаж маҳсулотлари Россия давлатига экспорт қилинган ва умумий ҳажмда 4104,4 минг долл.ни ташкил қилган. 2018 йилда олинган жами даромад 50 109,50 млн.сўмни ва соф фойда 18 537,40 млн.сўмни ташкил қилган.



4-расм. Масъулияти чекланган жамияти шаклидаги “AFROSIYOV JEANS” қўшма корxonаси бўлимлари.

Корхонанинг умумий рентабеллик даражаси 25,0 %га тенг бўлган. 3 йиллик давр учун ўзлаштирилган жами инвестицияларнинг умумий қиймати 328,60 млн. долл. ни ташкил этган.

Масъулияти чекланган жамияти шаклидаги “AFROSIYOB JEANS” қўшма корхонасида қуйидаги бўлимлар мавжуд: Масъулияти чекланган жамияти шаклидаги “AFROSIYOB JEANS” қўшма корхонасининг ушбу бўлимларини бошқаришда масъул шахслар бўлиб, улар ўзларига бириктирилган функционал мажбуриятларидан келиб чиқиб бошқарув стратегиясини амалга оширади (5 -расм).



5-расм. Масъулияти чекланган жамияти шаклидаги “AFROSIYOB JEANS” қўшма корхонасида бошқарув кадрлари тизими.

Енгил саноат корхоналаридан бири саналмиш ушбу масъулияти чекланган жамияти шаклидаги “AFROSIYOB JEANS” қўшма корхонасида барча бошқарув кадрларининг ҳар бири бўйича алоҳида-алоҳида тарзда ўз функционал мажбуриятларини ва вазифаларини тўлиқ ва тўғри бажаришлари учун ҳамда уларнинг ҳуқуқларини белгилаб берувчи йўриқномалари ишлаб чиқилган (-иовага қаранг). Унга кўра барча масъул ходимларнинг

функционал мажбуриятлари ва вазифаларидан келиб чиқиб умумий белгиланган қоидалар, уларнинг мажбуриятлари, ҳуқуқлари ва масъулиятлари ҳамда ишдаги шарт-шароитлари кўрсатиб ўтилган. Ишга қабул қилинган ёки лавозими ўзгарган ҳар бир ходим ўз фаолияти доирасига тегишли бўлган мана шундай йўриқномалар билан таништирилади.

Корхонада бошқариш тизимининг мана шундай тарзда тартибга келтирилганлиги белгиланган мақсадга эришишдаги вазифаларни ўз вақтида ва тўлиқ бажаришга имкон яратади. Бу эса енгил саноат тармоқларида бошқаришнинг объектив зарауриятини ҳамда унинг мақсадга йўналтирилган жараён сифатидаги ўрнини белгилаб беради.


2.2. Мамлакатимиз енгил саноати тармоқларида бошқаришнинг асосий тамойиллари, усуллари ва унинг замонавий тузилиши.

Бизга маълумки, бошқарув тамойиллари деганда, раҳбарлик қилишнинг фундаментал қоидалари тушунилади. Бошқарув тамойиллари ўзида иқтисодий қонунлар ҳаракати ва бошқариш усуллари билан боғлиқ бўлган воқеликларнинг моҳиятини акс эттиради.

Бошқариш механизмнинг энг асосий элементи сифатида қонунларни кўрсатишимиз мумкин (6 -расмга қаранг).

Қонун – давлат ҳокимиятининг вакиллик (қонунчилик) органи томонидан махсус тарзда қабул қилинадиган ҳужжатнинг тор маънода маълум ижтимоий муносабатларни тартибга солиши ва давлат томонидан белгиланган чораларни қўллаш имкониятини таъминлаши билан ифодаланади. Кенг маънода қонун – бу муайян ҳуқуқий тизимда ишлайдиган ҳар қандай ҳуқуқий ҳужжатдир. Қонун – бу объектив борлиқда турли ходисалар ўртасида киши онгидан ва ихтиёридан ташқари, ҳамма мавжуд бўлган зарурий боғланиш, муносабатдир. Қонун – бу давлат ҳокимияти томонидан қабул қилинган, барча учун, шу жумладан енгил саноат ишлаб

чиқаришида меҳнат қилинаётганлар учун ҳам мажбурий бўлган ижтимоий-ҳуқуқий меъёр ва муносабатларни белгиловчи расмий ҳужжатдир.



6-расм. Бошқариш механизми элементлари.

Тамойил ёки асос, бошланғич, келиб чиқиши илмий назариялар ва қонунлар заминида яратилган, ҳуқуқий ҳужжатлар асосида жамиятдаги хатти-ҳаракатлар меъёрларини белгилайдиган баёноддир. Тамойилларни бошқарув Тамойиллар бошқарув фани назарияси ва амалиётининг пойдевори ҳисобланади. Бошқарув аппаратининг қудратли бўлиши эса, ушбу пойдеворнинг мустаҳкамлигига боғлиқдир. Енгил саноат корхоналарини

боқаришда бир қатор тамойиллардан кенг фойдаланилади. Булар қуйидагилардан иборат (7-расм):



7-расм. Енгил саноат корхоналарини боқариш тамойиллари.

Енгил саноат корхоналарида якка раҳбарлик ва ҳамжихатлик тарзида мавжуд кадрлар билан иш олиб бориш бошқарувнинг биринчи тамойили бўлиб, бунда раҳбар бўла туриб фақатгина ўзининг фикрини ўтказмасдан, балки қўл остидаги бошқа мутахассисларнинг ҳам фикрини тинглаш лозимлиги таъкидланади. Бошқарувнинг иккинчи тамойилида бошқариш жараёнида режалиликни бозор талаблари билан боғлиқ равишда олиб бориш назарда тутилади. Барқарорлик тамойили эса бевосита ишлаб чиқаришни маромийлик асосида бошқариб, режанинг ўз вақтида ва ортиғи билан бажарилишидан самарадорлик кўрсаткичларига эришишни назарда тутди. Бошқаришда бажарилган меҳнат, кўрсатилган хизматлар ўз вақтида ва

муносиб равишда раҳбатлантирилса ходимларнинг мотивацияси янада ошади ва бунинг натижасида унумдорлик кўрсаткичлари фойданинг кўпайишига тўртки бўлади. Бошқаришда тузилаётган бизнес-режалар ва меъёрлар илмий асосланган бўлиши лозим. Ҳар қандай ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш самарадорликнинг ошишига олиб келади, бу эса ўз навбатида кўшимча фойдани кўлга киритишга ёрдам беради. Енгил саноат корхоналари фаолиятида кадрларни тўғри танлай олиш ва уларни жойлаштириш масаласи энг муҳим масала бўлиб, бунда етарли тажриба ва малакага эга бўлган кадрлар меҳнат унумдорлигининг ошишида асосий омил бўлиб хизмат қилади. Етарли малака ва тажрибага эга бўлмаган кадрларни ишга олиш улар билан боғлиқ харажатларнинг ошишига олиб келади. Тўғри ва ўз вақтида жойлаштирилмаган кадрларнинг мавжудлиги корхонада ишчи кучи кўнимсизлиги кўрсаткичининг ошишига олиб келиши мумкин.

Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, ҳозирги кунда масъулияти чекланган жамияти шаклидаги “AFROSIYOB JEANS” кўшма корхонасида ушбу бошқарув тамойилларнинг барчасидан кенг фойдаланиб келинмоқда.

Енгил саноат корхоналарида раҳбарлик қилишнинг фундаментал қоидаларини амалга ошириш учун бир қатор усуллардан кенг фойдаланиш керак бўлади. Бундай усуллар таркибига қуйидагиларни киритишимиз мумкин бўлади (8-расм):



8-расм. Енгил саноат корхоналарида бошқариш усуллари

Енгил саноат тармоқларида ташкилий-маъмурий усулдан фойдаланишнинг моҳияти шундан иборатки, бу усул ёрдамида бошқариш тизимидаги муносабатлар тартибга солиб турилади, жамоалар ўртасида рационал алоқалар таркиб топишига ёрдам беради. Енгил саноат корхоналарини бошқаришда ташкилий-маъмурий усуллар ёрдамида қуйидагилар амалга оширилади:

- бошқарув апаратининг муайян тизимини тузиш;
- бошқарув бўғинларининг функцияларини белгилаш;
- кадрларни тўғри танлаш ва жой-жойига қўйиш;
- буйруқлар, фармойишлар ва қўлланмалар чиқариш ҳамда уларнинг бажарилишини назорат қилиш;
- топшириқлар ва директив кўрсатмаларни бажармаётган бўлинма ва шахсларга нисбатан маъмурий чоралар қўллашни амалга ошириш.

Енгил саноат корхоналарида бошқарувнинг иқтисодий усуллари иқтисодий манфаатлардан фойдаланишга асосланади. Ҳар бир жамиятнинг иқтисодий муносабатлари энг аввало манфаатлар тарзида номоён бўлади. Ҳозирги замонавий иқтисодиёт шароитида қуйидаги иқтисодий усуллардан кенг фойдаланиш мумкин:

- ҳар бир тармоқ ва бўлинмаларга фаолият юритишларида эркинлик ва мустақиллик бериш;
- натижавий кўрсаткичларига асосланиб соҳаларни моддий рағбатлантриш, уларга солиқ имтиёзларини бериш;
- томонлар ўртасидаги ўзаро шартномавий муносабатларнинг бажарилиш интизомини мустаҳкамлаш ва уларнинг ролини ошириш;
- мамлакатда молия-кредит муносабатларини янада такомиллаштириш;
- баҳо ва фойда, солиқ ва бож тўловлари, кредит ва рентабеллик, рақобат ва шу каби бозор муносабатлари механизмларига ва ҳоказолар.

Бошқаришнинг иқтисодий усули етакчи усуллардан бири ҳисобланиб, ушбу усулдан оқилона фойдаланиш жиддий бошқарув қарорларини қабул қилишга, мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланишга, иқтисодиётни модернизация қилишга, рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ва фойдани кўпайтиришга ҳамда бунинг натижасида ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини янада оширишга кенг иқониятлар яратади.

Ижтимоий-руҳий усуллар бошқарув тизимининг муҳим усули ҳисобланиб, ушбу усулни қўллашдан асосий мақсад жамоаларда соғлом ижтимоий-руҳий муҳитни яратиш ҳисобланади.

Енгил саноатни бошқаришнинг илмий асосланганлигини ўрганиш ва таҳлил қилишда қуйидаги усуллардан ҳам кенг фойдаланиш мумкин (9-расм):


Тизимли ёндашув усулида енгил саноат ишлаб чиқариши яхлит тизим сифатида олиб қаралади. Комплекс ёндашув усулида эса, енгил саноатнинг бошқа соҳалар, тармоқлар билан ўзаро боғланишда ва алоқадорлигига эътибор қаратилади.



9-расм. Енги́л саноатни бошқаришни илмий асосда ўрганиш ва таҳлил қилиш усуллари.

Таркибий ёндашув усулида энги́л саноат корхоналари маълум қисмларга бўлиб ўрганилади. Вазиятли ёндашув усулида энги́л саноати корхоналарининг муайян шароитдаги ички ва ташқи вазиятига қараб бошқаришнинг маъқул услуби қўлланилади. Интеграцион ёндашувда энги́л саноати юқорида санаб ўтилган усулларни биргаликда қўллаш ёрдамида бошқарилади. Моделли ва иқтисодий-математик ёндашув усулида эса, турли чизмалар, хомаки материаллар тайёрлаш, компьютер технологияларидан тўлиқ фойдаланилади. Кузатиш усулида энги́л саноати корхоналарининг ишлаб чиқариш жараёнлари тўғрисидаги маълумотлар режали, башоратли, илмий жиҳатдан намунали тарзда уюштирилган ҳолда тўпланади. Тажриба усулида барча олинган маълумотлар асосида тажриба синов ишлари амалга оширилади ва унинг натижалари келгуси даврлар учун режалар тузиш ва меъёрларни белгилашда асос бўлиб хизмат қилади.

Ҳозирги кунда энгил саноат тармоқларида бошқаришнинг замонавий тузилишида қонун билан ҳал этиладиган масалалари давлат ҳокимияти олий идораси – Олий Мажлис Сенати томонидан муҳокама этилади ва ҳал этилади. Саноатга жумладан, энгил саноати тармоқларига кундалик раҳбарликни давлат ҳокимиятининг ижро этувчи ва бошқарувчи олий идораси – Вазирлар Маҳкамаси амалга оширади. Вазирлар Маҳкамаси амалдаги қонунларга кўра Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча идоралар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар ва фармойишлар чиқаради. Ўзбекистон энгил саноати тармоқларини ривожлантириш, бир-бирлари билан ўзаро мувофиқлаштириш, республика ҳудудларида жойлаштириш, маҳсулотга бўлган талабни аниқлаш ва бошқа шу каби жуда мураккаб, кенг қамровли масалаларни ўз вақтида, оқилона ҳал этиш тармоқ бошқарувини амалга оширишни тақозо этади. Бундай вазифани қуйидаги бир қатор тармоқ идоралари амалга оширади:



10-расм. Энгил саноат тармоқларида бошқаришнинг замонавий тузилиши.

2.3. Енги́л саноат корхоналарида ишлаб чиқариш самарадорлигига таъсир қилувчи омиллар ва уларни аниқлаш йўллари

Енги́л саноат корхоналарининг ҳар бири хўжалик юритувчи субъект сифатида маълум самарадорлик билан ишлаши лозим. Бунинг учун самарадорликни ифодаловчи барча кўрсаткичларга таъсир этувчи омиллар тизимини ишлаб чиқиш ва уларнинг таъсирини аниқлаш лозим бўлади. Бунда самарадорликни ифодаловчи кўрсаткичлар билан бирга уларнинг натижавий кўрсаткичларини ҳам алоҳида ўрганишга тўғри келади. Чунки натижа кўрсаткичлари юқори бўлсагина самарадорлик ҳам юқори бўлади.

Ушбу назарий хулосага таянадиган бўлсак, натижавий кўрсаткичлардан бири маҳсулотларни сотишдан соф тушум ҳажми, яъни умумий тушум бўлиб ҳисобланади. Ушбу кўрсаткичнинг ўзгаришига таъсир қилувчи омиллар иқтисодий адабиётларда деярли чоп қилинмаган. Буларни инобатга олиб ушбу кўрсаткичларга таъсир этувчи омиллар тизимини ишлаб чиқдик. Бизнинг фикримизча ушбу кўрсаткичнинг ўзгаришига қуйидаги омиллар таъсир қилади:

- корхонадаги умумий ходимларнинг сони;
- корхона ходимларининг бир йилда ишлаган ўртача иш кунлари;
- ходимларнинг ўртача бир кунда ишлаган иш соатлари;
- битта ходимга тўғри келадиган ўртача тушум, яъни ходимнинг бир соатлик меҳнат унумдорлиги.

Уларнинг натижа кўрсаткичи билан боғлиқлигини қуйидаги формула билан ҳисоблашни тавсия қиламиз:

$$Y_T = X_c * K_n * I_c * M_y ; (1)$$

Бунда: Y_T – маҳсулотларни сотишдан соф тушум ҳажми, яъни умумий тушум;

$M_{ж}$ - корхонадаги умумий ходимларнинг сони;

K_n – корхона ходимларининг бир йилда ишлаган ўртача иш кунлари;

I_c – ходимларнинг ўртача бир кунда ишлаган иш соатлари;

M_y – битта ходимга тўғри келадиган ўртача тушум, яъни ходимнинг бир соатлик меҳнат унумдорлиги.

Таҳлилнинг асосий вазифаси мазкур омилларнинг натижага таъсирини аниқлашдан иборат. Бунинг учун, энг аввало, уларнинг фарқини аниқлаш лозим. Ушбу фарқни аниқлаш учун қуйидаги формулани тавсия қиламиз:

$$\Delta Y_T = (X_c^x * K_n^x * I_c^x * M_y^x) - (X_c^p * K_n^p * I_c^p * M_y^p); \quad (2)$$

Натижа кўрсаткичининг, яъни маҳсулотларни сотишдан соф тушум ҳажмининг ўзгаришига биринчи омилнинг, яъни корхонадаги умумий ходимларнинг сонининг таъсирини аниқлаш учун, натижани шу омилнинг ҳақиқий миқдори билан қайта ҳисоблаб олинади ($X_c^x * K_n^p * I_c^p * M_y^p$) ва ушбу миқдордан натижанинг режадаги миқдори ($X_c^p * K_n^p * I_c^p * M_y^p$) айрилилади. Бунинг учун қуйидаги формуладан фойдаланишни тавсия қиламиз:

$$\Delta Y_{TKc} = (X_c^x * K_n^p * I_c^p * M_y^p) - (X_c^p * K_n^p * I_c^p * M_y^p); \quad (3)$$

Маҳсулотларни сотишдан соф тушум ҳажми, яъни умумий тушумнинг ўзгаришига иккинчи омилнинг, яъни корхона ходимларининг бир йилда ишлаган ўртача иш кунлари кўрсаткичи таъсирини аниқлаш учун, натижани шу омилнинг ҳақиқий миқдори билан қайта ҳисоблаб олинади ($X_c^x * K_n^x * I_c^p * M_y^p$) ва ушбу миқдордан натижанинг биринчи омил ўзгариши билан қайта ҳисобланган миқдори ($X_c^x * K_n^p * I_c^p * M_y^p$) айрилилади. Бунинг учун қуйидаги формуладан фойдаланишни тавсия қиламиз:

$$\Delta Y_{TKn} = (X_c^x * K_n^x * I_c^p * M_y^p) - (X_c^x * K_n^p * I_c^p * M_y^p); \quad (4)$$

Натижа кўрсаткичининг, яъни маҳсулотларни сотишдан соф тушум ҳажмининг ўзгаришига учинчи омилнинг, яъни ходимларнинг ўртача бир

кунда ишлаган иш соатларининг таъсирини аниқлаш учун, натижани шу омил-нинг ҳақиқий миқдори билан қайта ҳисоблаб олинади ($X_c^x * K_n^x * I_c^x * M_y^p$) ва ушбу миқдордан натижанинг иккинчи омил ўзгариши билан қайта ҳисобланган миқдори ($X_c^x * K_n^x * I_c^p * M_y^p$) айрилилади. Бунинг учун қуйидаги формуладан фойдаланишни тавсия қиламиз:

$$\Delta Y_{тис} = (X_c^x * K_n^x * I_c^x * M_y^p) - (X_c^x * K_n^x * I_c^p * M_y^p) ; \quad (5)$$

Натижа кўрсаткичининг, яъни маҳсулотларни сотишдан соф тушум ҳажми, яъни умумий тушумнинг ўзгаришига тўртинчи омилнинг, яъни битта ходимга тўғри келадиган ўртача тушум, яъни ходимнинг бир соатлик меҳнат унумдорлигининг таъсирини аниқлаш учун, натижани ҳақиқий миқдоридан ($X_c^x * K_n^x * I_c^x * M_y^x$) ва ушбу миқдордан натижанинг учинчи омил ўзгариши билан қайта ҳисобланган миқдори ($X_c^x * K_n^x * I_c^x * M_y^p$) айрилилади. Бунинг учун қуйидаги формуладан фойдаланишни тавсия қиламиз:

$$\Delta Y_{тMy} = (X_c^x * K_n^x * I_c^x * M_y^x) - (X_c^x * K_n^x * I_c^x * M_y^p) ; \quad (6)$$

Барча омиллар таъсири натижанинг умумий фарқига тенг бўлиши лозим. Бунинг учун қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$\Delta Y_T = \Delta Y_{тХс} \pm \Delta Y_{тКн} \pm \Delta Y_{тИс} \pm Y_{тMy} ; \quad (7)$$

Ушбу формулага амалий маълумотларни қўллаб ечиладиган бўлса натижа ўзгаришига омиллар таъсирини аниқлаш билан бирга уни яхшилашнинг ички имкониятлари ҳам ахтариб топилади.

Ушбу назарий усулнинг бевосита амалиётда қўлланилишини кўриб чиқиш учун қуйидаги «AFROSIYOB JEANS» МЧЖнинг маълумотларини келтирамиз (3 -жадвал).

**«AFROSIYOV JEANS» МЧЖнинг 2016 ва 2017 йилдаги натижавий
кўрсаткичлари¹³**

№	Кўрсаткичлар	2016 йил	2017 йил	Фарқи (+,-)
1	Маҳсулотларни сотишдан соф тушум ҳажми, яъни умумий тушум. Ут. (минг сўм)	8764414.67	30549478.31	+21785063,64
2	Корхонадаги умумий ходимларнинг сони. Хс	950	970	+20
3	Корхона ходимларининг бир йилда ишлаган ўртача иш кунлари. Ки	300	290	-10
4	Ходимларнинг ўртача бир кунда ишлаган иш соатлари. Ис	7,5	7,8	+0,3
5	Битта ходимга тўғри келадиган ўртача тушум, яъни ходимнинг бир соатлик меҳнат унумдорлиги. Му (минг сўм) (1к / (2к*3к*4к))	4,1	13,9	9,8

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики ҳисобот даврида Енгил саноат корхонасидаги умумий ходимлар сони ўтган йилга нисбатан 20 кишига ортган, шу билан бирга Ходимларнинг ўртача бир кунда ишлаган иш соатлари 0,3 соатга, Битта ходимга тўғри келадиган ўртача тушум, яъни ходимнинг бир соатлик меҳнат унумдорлиги 9,8 мингсўмга кўпайган. Аммо, Ҳисобот даврида ўртача иш куни 10 кунга камайган. Оқибатда Маҳсулотларни сотишдан соф тушум ҳажми, яъни умумий тушум суммаси 21785063,64 минг сўмга ошган. Бироқ ушбу жадвал маълумотлари Енгил саноат корхонаси Маҳсулотларни сотишдан соф тушум ҳажми, яъни умумий

¹³ «AFROSIYOV JEANS» корхонасининг 2016-2017 йиллардаги ҳисоботларида келтирилган маълумотлари асосида муаллифнинг ҳисоб-китоби.

тушумнинг ўзгаришига қайси омиллар қай даражада таъсир қилганлигини тасвирлай олмайди. Шу туфайли омилли таҳлил учун қуйидаги қуйидаги жадвалдан фойдаланишни тавсия қиламиз (4 -жадвал).

4- жадвал

«AFROSIYOV JEANS» МЧЖга туристлардан келадиган умумий тушумга алоҳида омиллар таъсирини ҳисоблаш

Кўрсаткичлар	Ўтган йили	Ҳисобот йили	Занжирли алмаштириш			
			М _ж	Ў _б	Т _{1м}	Ў _{нк}
Корхонадаги умумий ходимларнинг сони. Хс	950	970	970	970	970	970
Корхона ходимларининг бир йилда ишлаган ўртача иш кунлари. Ки	300	290	300	290	290	290
Ходимларнинг ўртача бир кунда ишлаган иш соатлари. Ис	7,5	7,8	7,5	7,5	7,8	7,8
Битта ходимга тўғри келадиган ўртача тушум, яъни ходимнинг бир соатлик меҳнат унумдорлиги. Му (минг сўм) (1қ / (2қ*3қ*4қ))	4,10031	13,92321	4,10031	4,10031	4,10031	13,92321
Маҳсулотларни сотишдан соф тушум ҳажми, яъни умумий тушум. Ут. (минг сўм)	8764414,7	30549478,31	8948926,57	8650629,02	8996654,18	30549478,31

Юқоридаги биз тавсия қилган усулдан, яъни занжирли алмаштириш усулидан ҳар бир омилнинг натижа ўзгаришига таъсирини амалий маълумотларни қўллаган ҳолда аниқлаш йўллари кўриб чиқамиз.

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, ҳисобот йилида Маҳсулотларни сотишдан соф тушум ҳажми, яъни умумий тушум 21785063,64 (30549478.31 - 8764414.67) минг сўмга ошган. Бу ўзгариш қуйидаги омиллар таъсирида рўй берган.

1. Корхонадаги умумий ходимларнинг сонининг таъсирини маҳсулотларни сотишдан соф тушум ҳажми, яъни умумий тушумга таъсирини топиш учун қуйидаги ҳисоб китобни амалга оширамиз:

$$\begin{aligned}\Delta У_{ТХс} &= (970 * 300 * 7,5 * 4,10031) - (950 * 300 * 7,5 * 4,10031) = \\ &= 8948926,575 - 8764414.67 = 184511,905\end{aligned}$$

Корхонадаги умумий ходимларнинг сонининг 20 кишига кўпайганлиги Маҳсулотларни сотишдан соф тушум ҳажми, яъни умумий тушум ҳажмини 184511,905 минг сўмга кўпайтирган.

2. Корхона ходимларининг бир йилда ишлаган ўртача иш кунлари кўрсаткичининг натижа кўрсаткичига таъсирини қуйидагича ҳисоблаймиз:

$$\begin{aligned}\Delta У_{ТКи} &= (970 * 290 * 7,5 * 4,10031) - (970 * 300 * 7,5 * 4,10031) = \\ &= 8650629,023 - 8948926,575 = - 298297,553\end{aligned}$$

Корхона ходимларининг бир йилда ишлаган ўртача иш кунлари кўрсаткичининг 10 кунга камайганлиги маҳсулотларни сотишдан соф тушум ҳажми, яъни умумий тушум ҳажмини 298297,553 минг сўмга (8650629,023 – 8948926,575) камайтирган.

3. Ходимларнинг ўртача бир кунда ишлаган иш соатлари маҳсулотларни сотишдан соф тушум ҳажми, яъни умумий тушум ҳажмига таъсирини қуйидаги ҳисоб-китоблар билан топамиз:

$$\begin{aligned}\Delta У_{Тис} &= (970 * 290 * 7,8 * 13,92321) - (970 * 290 * 7,5 * 4,10031) = \\ &= 8996654,183 - 8650629,023 = 346025,160\end{aligned}$$

Кўриниб турибдики, Ходимларнинг ўртача бир кунда ишлаган иш соатлари 0.3 соатга ошганлиги натижа кўрсаткичининг 346025,160 минг сўмга (8996654,183 – 8650629,023) кўпайишига сабаб бўлган.

4. Ҳисобот даврида битта ходимга тўғри келадиган ўртача тушум, яъни ходимнинг бир соатлик меҳнат унумдорлиги кўрсаткичи натижа ўзгаришига таъсири қандай бўлганлигини қуйидагича ҳисоблаб топамиз:

$$\begin{aligned}\Delta U_{TMy} &= (970 * 290 * 7,8 * 4,10031) - (970 * 290 * 7,8 * 4,10031) = \\ &= 30549478.31 - 8996654,183 = 21552824,127\end{aligned}$$

Бундан аёнки, ҳисобот даврида битта ходимга тўғри келадиган ўртача тушум, яъни ходимнинг бир соатлик меҳнат унумдорлигининг 9.8229 кунга кўпайиши сабабли маҳсулотларни сотишдан соф тушум ҳажми, яъни умумий тушум ҳажми **21552824,127** минг сўмга (**30549478.31 - 8996654,183**) кўпайган.

Юқоридаги ҳисоб китоблардан кўришиб турибдики, Маҳсулотларни сотишдан соф тушум ҳажми, яъни умумий тушум ўтган йилдагига нисбатан **21785063,64** минг сўмга (**30549478.31 - 8764414.67**) кўпайган. Бу ўз навбатида тўртта омил таъсири остида рўй берган:

$$\begin{aligned}\Delta U_T &= 184511,905 - 298297,553 + 346025,160 + 21552824,127 = \\ &= 21785063,64\end{aligned}$$

Бу ҳисоб китоблардан кўришиб турибдики, корхонадаги умумий ходимларнинг сони, ходимларнинг ўртача бир кунда ишлаган иш соатлари, битта ходимга тўғри келадиган ўртача тушум, яъни ходимнинг бир соатлик меҳнат унумдорлиги натижа кўрсаткичига ижобий таъсир қилган ва аксинча корхона ходимларининг бир йилда ишлаган ўртача иш кунлари омили таъсири эвазига эса маҳсулотларни сотишдан соф тушум ҳажми, яъни умумий тушум 298297,553 минг сўмга камайган.

Умумий хулоса қилиб айтадиган бўлсак, «AFROSIYOB JEANS» МЧЖ ишлаб чиқариш самарадорлиги ижобий томонга ўзгараётганлигини кўришимиз мумкин. Лекин омилли таҳлил ўтказиш натижасида шу нарса аён бўлдики, корхона ходимларининг бир йилда ишлаган ўртача иш кунлари омили таъсири умумий тушум камайишига сабаб бўлганлигини кўришимиз мумкин.

3-БОБ. Инновацион иқтисодиёт шароитида енгил саноат тармоқларида ишлаб чиқариш ва бошқариш тизимини ривожлантириш истиқболлари.

3.1. Инновацион иқтисодиёт шароитида енгил саноат корхоналари маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва улар савдосини ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари.

Ҳозирги замон миллий иқтисодиётимизнинг ривожланишини, аввало, ишлаб чиқариш жараёнида бевосита амалга ошириладиган, ишчи-ходимлар жамоасининг ўз меҳнاتини бажарадиган, техника ва технология ҳамда моддий ресурслардан фойдаланадиган корхоналарга боғиқлигини кўришимиз мумкин. Айнан мана шу сабабга кўра корхоналаримиз миллий иқтисодиётимизнинг асосий, бирламчи ишлаб чиқариш ва хўжалик бўғини ҳисобланади.

Шу ўринда аввало саноат, саноат корхонаси каби атамаларга дуч келар эканмиз, бунда биринчи навбатда ушбу атамаларга берилган таърифларга эътибор қаратишимиз ва иқтисодчи олимларимиз томонидан яратилган илмий адабиётларга мурожаат қиламиз.

Саноат корхонаси – тегишли топшириқлар асосида маҳсулот ишлаб чиқарувчи ишлаб чиқариш – техник-иқтисодий ва ташкилий мужассамлиги билан тавсифланади¹⁴.

Саноат моддий ишлаб чиқаришнинг асосий ва етакчи тармоғидир. Саноат шундай тармоқки, барча мамлакатларнинг сиёсий, иқтисодий ва ташкилий интилишлари, уларнинг хўжалик жиҳатдан бирлашиши, яъни иқтисодий интеграция тавсифида ўз ифодасини топади.

Саноат моддий ишлаб чиқаришнинг бош тармоғи, иқтисодиётнинг пойдевори¹⁵.

Саноат ижтимоий –иқтисодий категориядир. Саноат объектив реалликнинг инъикоси ва юксак умумлашмасидир. Унинг алоҳида тармоқ,

¹⁴ Г.Қарабаева, Ш. Юлдашева. Саноат корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этиш. Ўқув қўлланма. Тошкент-2012.

¹⁵ А.Ортиқов. Саноат иқтисодиёти. Дарслик. Тошкент-2014.

яъни ижтимоий ишлаб чиқаришнинг алоҳида соҳаси бўлиб юзага келиши ишлаб чиқариш кучлари ва ижтимоий меҳнат тақсимотининг ривожини билан тарихий жиҳатдан болиқдир. Саноат ҳам объектив борлиқнинг муҳим ходисалари қаторида маълум даврда дунёга келган, муайян қонун ва қоидалар асосида ривожланган, маълум миқдор ва сифатларга, зарурат ва имкониятларга эга бўлган ҳамда зиддиятлар қурбони ҳам бўлган¹⁶.

Ҳар қандай корхонанинг ишлаб чиқариш – техник мужассамлигини ишлаб чиқарилаётган маҳсулот иқтисодий аҳамиятининг ҳамда ишлаб чиқариш жараёнларининг умумийлигини билан, ягона хизмат кўрсатиш инфратузилмасини ташкил қилиниши билан, корхонанинг барча бўғинларида ягона техник сиёсат амалга оширилиши билан тавсифланади.

Енгил саноат корхонаси – бу кишиларнинг ўзига хос бирлашмаси – ишлаб чиқариш жамоаси – яъни мақсаднинг умумийлигини, умумий меҳнат, ўз-ўзини боқариш идораларининг мавжудлигини, онгли интизом, ўзаро ҳурмат билан тавсифланувчи кишиларнинг муайян ўзгармас ижтимоий гуруҳидир.

Енгил саноат корхоналарининг асосий вазифалари саноат тармоғининг қолган барча бўғинлари каби жамият учун зарур бўлган юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлаш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш асосида ўз фаолиятини, барча иқтисодий кўрсаткичларни яхшилашдан иборатдир.

Бизга маълумки, енгил саноат корхоналарининг фаолияти кўйидагилардан ташкил топган бўлади (11-расм):

Ишлаб чиқариш муҳити фаолияти янги буюмлар ишлаб чиқаришнинг техник тайёргарлигини ва ишлаб чиқариш жараёнининг ўзини ташкил этишдан иборат.

Қайта ишлаш муҳити ишчи кучи ёллашни ташкил этиш, кадрларни тайёрлаш, малакасини ошириш ҳамда ишлаб чиқариш воситаларини кўпайтириш ва кенгайтириш жараёнларидан иборатдир.

¹⁶ А.Ортиқов. Саноат иқтисодиёти. Дарслик. Тошкент 2009.

Муомала муўити ишлаб чиқаришни моддий техник таъминлаш ва маҳсулот (иш, хизмат) сотишни ташкил этишдир.



11-расм. Енгил саноат корхоналари фаолиятини қамраб олувчи жараёнлар.

Корхонанинг ташқи муҳити – бу маҳсулот истеъмолчилари, ишлаб чиқаришнинг асосий қисмлари (компонентлари)ни етказиб берувчилар ва шу билан бирга давлат идоралари ўамда корхона атрофида яшовчи аҳолидан иборатдир.

Замонавий иқтисодиёт шароитида корхона фаолиятининг асосий йўналишлари қуйидагилар ҳисобланади:

- бозорни ва унинг ривожланиш истиқболини комплекс ўрганиш асосида харидорларнинг маҳсулот ва хизматларга жорий ва истиқбол талабларини аниқлаш;
- маҳсулотнинг янги шакли ва намуналарини яратиш бўйича илмий-тадқиқотчилик фаолиятини ташкил этиш;
- истеъмолчилар талабларини қондиришга мос келувчи маҳсулот ишлаб чиқариш;
- ишлаб чиқариш ва молиялаштириш фаолиятини мувофиқлаштириш, режалаш ва дастурлаш;
- маҳсулотни сотиш ва тақсимлаш тизимини такомиллаштириш;

- корхонанинг бутун фаолиятига раҳбарлик қилиш – бу эса ўз навбатида ўз ичига ишлаб чиқариш, кадоқлаш, сотиш, реклама, техник хизмат кўрсатиш ва бошқа жараёнларни бошқаришни қамраб олади.

Мана шундай фаолиятдан келиб чиқиб, корхона қуйидаги вазифаларни бажаради:

1. Корхона эгаси томонидан ижобий натижага эришишга интилиш.
2. Истеъмолчиларни маҳсулот билан таъминлаш.
3. Ишчиларни иш ҳаққи билан таъминлаш.
4. Корхона атрофида яшовчи аҳоли учун янги иш ўринларини яратиш.
5. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш.
6. Корхона иш фаолиятининг тўхтаб қолишини олдини олиш.
7. Меҳнатни ташкил этиш ва бошқариш шаклларини такомиллаштириш.

Ишлаб чиқариш корхоналарнинг самарадорлик фаолияти техника базасининг ўсиши ва ишлаб чиқариш жараёнининг боришини ташкил этиш даражаси ҳамда маҳсулот яратилиши билан аниқланади. Корхоналарнинг асосий фаолиятини ишлаб чиқариш жараёнининг бориши ташкил этади ва унинг асосий вазифаси истеъмол қийматини яратиш бўлиб ҳисобланади.


Ишлаб чиқариш жараёни кмплекс жараён бўлиб, бир-бири билан чамбарчарс боғлиқ бўлган технологик ва меҳнат жараёнларини ўз ичига қамраб олади. Замонавий иқтисодиёт шароитида корхоналардаги ишлаб чиқариш жараёнларини амалга ошириш учун, ишлаб чиқариш ва меҳнат воситаларидан ташқари, моддий ишлаб чиқариш шароити ҳам бўлишини тақозо қилади. Ишлаб чиқариш жараёни икки томонлама, яъни ижтимоий-иқтисодий (кишилар муносабати орқали) ва моддий-техника шароитлари билан характерланади.

Шунингдек, ишлаб чиқариш жараёни, енгил саноат маҳсулотларини тайёрлашдаги ролига қараб, асосий, ёрдамчи ва хизмат қилувчи жараёнларга бўлиниши мумкин.

Енгил саноат тармоғида барча имкониятлардан мустақил равишда ва мукамал тузилган режалар асосида тўлиқ ҳамда самарали фойдаланиш мумкиндир. Режалаштириш қанчалик эркин ва мукамал бўлсагина корхона ўз ижтимоий-иқтисодий вазифаларини муваффақиятли ҳал этиши мумкин. Бунинг натижасида эса, енгил саноат корхоналарининг ташкилий равишда ва тартибли ривожланиши учун имкониятлар яратилади. Бунда режалаштириш бутунлай илмий асосда тузилади ва у жамият тараққиётининг жумладан, енгил саноат корхоналарининг амалиётини доимо умумлаштириб боришни, фан ва техниканинг барча ютуқларидан фойдаланишни талаб қилади. Енгил саноат тармоғида тўғри ва мукамал тарзда тузилган режалар эса содир бўлиши кутилаётган воқеаларни олдиндан кўриш имконини яратади.

Режалаштириш назарий жиҳатдан ўзининг турларидан, босқичларидан, мақсад ва вазифаларидан, тизимларидан таркиб топган бўлади.

Режалаштиришнинг асосий турларига қуйидагиларни киритишимиз мумкин (12-расм):



12-расм. Енгил саноат корхоналарида режалаштиришнинг асосий турлари.

Режала/штиришнинг замон кўлами бўйича турларига асосан қисқа муддатли, ўртача муддатли ва узок муддатли режалаштириш турлари киради. Шунини алоҳида таъкидалшимиз мумкинки, биз тадқиқот олиб бораётган «AFROSIYOB JEANS» МЧЖда бошқариш тизимини самарали олиб бориш мақсадида, бошқарув бўлимларида белгиланган мақсадга эришиш ва самарали бошқарувни амалга ошириш учун ушбу режалаштиришнинг замон кўламига оид барча турларидан фойдаланиб келинмоқда.

Режалаштиришнинг функционал бўлимида ишлаб чиқаришни, сотишни, сақлашни, таъминотни, молияни, инвестицияни режалаштириш кўзда тутилади.

Режалаштиришнинг иерархиясида стратегик, ўрта ва оператив режалаштириш турлари мавжуддир.

Шунини алоҳида таъкидалшимиз мумкинки, биз тадқиқот олиб бораётган «AFROSIYOB JEANS» МЧЖда бошқариш тизимини самарали олиб бориш мақсадида, бошқарув бўлимларида ва 4 та цехларида белгиланган мақсадга эришиш ва самарали бошқарувни амалга ошириш учун ушбу режалаштиришнинг барча турларидан фойдаланиб келинмоқда.

Режалаштириш жараёнида бирор бир жиҳатларни ёки жараёнларни назардан четда қолдирмаслик учун, режалаштиришнинг маълум босқичларини кўриб чиқиш лозим бўлади. Режалаштиришнинг босқичлари куйидагилардан иборат:

- мақсадни тўғри белгилаш;
- муаммоларни аниқлаш;
- муқобил вариантларни танлаш ёки ишлаб чиқиш;
- прогнозлаштириш;
- баҳолаш ва қарор қабул қилиш.

Энгил саноат корхоналарида режалаштиришдан кўзланган энг биринчи мақсад, ишлаб чиқариш фаолияти асосида олдиндан фикран ўйланган келгуси натижаларни аниқлаш ва бу натижага эришиш учун тегишли чора-тадбирларни белгилашдан иборатдир.

Юқорида келтирилган режалаштиришнинг турлари ва босқичларидан келиб чиқиб, енгил саноати корхоналарида ишлаб чиқариш жараёнларини режалаштиришнинг асосий вазифаларига қуйидагиларни киритишимиз мумкин:

- олий мақсадни белгилаш;
- енгил саноат корхоналарида юқори сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлар тайёрлашнинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлигини асослаб бериш;
- меҳнат унумдорлигини ошириш мақсадида корхонада зарурий моддий-техника базасини шакллантириш;
- молиялаштириш манбаларининг тўғри белгиланиши ва бунинг асосида самарали натижага эришиш.

Енгил саноат корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқариш ва улар савдосини ташкил этишда режалаштириш назариясининг маъулм фундаментал қоидалари, яъни тамойиллари алоҳида ўрин эгаллайди. Реалаштиришнинг бундай тамойилларига қуйидагиларни киритишимиз мумкин:



13-расм. Енгил саноат корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқариш ва улар савдосини ташкил қилишда режалаштириш тамойили

Енгил саноат корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқариш ва улар савдосини ташкил қилишда ушбу режалаштириш тамойилларига тўлиқ амал қилиниши топшириқларни муваффақиятли бажарилишига, иқтисодий ўсишнинг барқарорлашувига ва ишлаб чиқариш самарадорлигининг ошишига олиб келади.

Ушбу режалаштириш тамойилларини амалга ошириш учун бир қатор режалаштириш усулларида фойдаланиш тавсия этилади.

Режалаштиришнинг баланс усули – бу усул режалаштиришнинг асосий усули ҳисобланади. Баланс усули ёрдамида пропорцияларни тўғри белгилаш, ресурсларнинг эҳтиёжларга мувофиқлигини аниқлаш, режаларнинг реал ва самарали бўлиши таъминланади. Балансли усул ёрдамида режалаштиришда ишлаб чиқаришнинг кўлами ва динамикаси, унинг таркиби ва тузилмаси ҳамда самарадорлиги тўғрисидаги маъуломотлар мужассамлаштирилади. Енгил саноат корхоналарининг барча бўлимларида режалаштиришнинг балансли усулидан жорий ва истиқболли режалар тузишда фойдаланиш мумкин.

Шунингдек, режалаштиришнинг яна бир нечта шакллари ҳам мавжуддир. Буларга қуйидагиларни киритишимиз мумкин:

1-муддатига кўра режалаштириш;

2- мақсад ва вазифасига кўра режалаштириш.

Муддати, вақтига кўра ҳар қандай режа соатлик, кунлик, ҳафталик, ўн кунлик, бир ойлик, бир чораклик, ярим йиллик, бир йиллик ва бир неча йиллик бўлиши мумкин. Биз тадқиқот олиб бораётган «AFROSIYOB JEANS» МЧЖда самарали бошқариш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида режаларнинг ойлик, чораклик, ярим йиллик ва йиллик каби турларидан фойдаланилади ва ушбу режаларнинг бажарилиши юзасидан тегишли бошқарув бўлимлари ўз вақтида ва тегишли тарзда назорат қилинади.

Қўйилган мақсад ва белгиланган вазифаларига кўра эса, режалаштириш икки турга бўлинади, яъни опрератив режа ҳамда техник-иқтисодий режа.

Енгил саноат корхоналарида ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг жуда кўп, хилма-хил ва асосий йўналишлари мавжуд. Бунда таъсир қилувчи омиллар уч белгига кўра маълум гуруҳларга бўлиниши мумкин:

- 1- манбалар бўйича;
- 2- ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари бўйича;
- 3- омилларнинг ўрни ва амалга ошириш даражаси бўйича.

Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш манбалари бўйича омилларни таснифлашда қандай манбалар ҳисобидан ижтимоий меҳнатни тежашга эришишни аниқлаш мумкин. Бу эса ўз навбатида асосий омилларни аниқлаш имконини беради, масалан: меҳнат сиғими, материал сиғими, фонд сиғими, капитал сарфини тежаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва вақтни тежаш каби омиллар асосий омиллар сифатида иштирок этади. Ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга қаратилган барча таъсир қилувчи омилларни ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва такомиллаштиришдаги асосий йўналишлари бўйича гуруҳлаш мақсадга мувофиқ бўлади. Ушбу йўналишлар турли-туман бўлиб, улар орасида энг муҳимларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- ишлаб чиқаришнинг таркибий тузилишини яхшилаш;
- ишлаб чиқариш ва маҳсулотнинг техник-иқтисодий даражасини кўтариш;
- ихтисослаштирилган ишлаб чиқариш жараёнини жорий қилиш ва ишлаб чиқаришнинг ҳудудий жойлаштириш даражасини ошириш;
- ишлаб чиқаришдаги бошқарув тузилмасини, молия масалаларини, баҳолаш, кредитлаш ва рағбатлантириш тизимин янада такомиллаштириш;
- меҳнат ресурсларининг ижодий фаоллигини ва ташаббусини йўлга қўйиш.

Енгил саноат тармоқларида ишлаб чиқариш жараёнидаги эркинликлар ва тармоқдаги ислохотларни чуқурлаштирилиши самарадорлик

кўрсаткичларини янада оширишнинг асосий йўналиши ҳисобланади. Шунингдек, енгил саноат корхоналарида ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг энг муҳим йўлларида яна биттаси фан-техника тараққиётини жадаллаштириш ҳисобланади. Меҳнат унумдорлиги даражасини оширишда эса, технологик омиллар асосий ўринни эгалайди.

«AFROSIYOV JEANS» МЧЖда 2018 йил мобайнида жами 1367 хил ассортиментдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш режалаштирилган бўлиб шулардан корхона маҳсулотларига тушган буюртмалардан келиб чиқган ҳолда жами 950 хил ассортиментдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилган.

Бунда 2018 йилда ушбу корхонада умумий ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми 28000562,2 минг сўмни ташкил қилган ва шундан 26297627,8 минг сўмлик маҳсулот сотилган.

3.2. Енгил саноат тармоқларида ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги, уни ижтимоий ташкил этиш ҳамда экспорт салоҳиятининг таҳлили.

Ўзбекистон енгил саноати республика саноати ишлаб чиқариш умумий ҳажмида муҳим ўринни эгаллайди. Бугунги кунда маалакатимиздаги 3000 дан зиёд корхоналаримиз айнан енгил саноат тармоғига мансуб бўлиб, бунда маҳсулот ишлаб чиқаришдаги қарийб 80 фоиз улуш асосан “Ўзбекенгилсаноат” ДАК ҳиссасига тўғри келади. Бугунги кунга қадар республикамиз енгил саноати мукаммаллашиш ва ривожланишнинг узок йўлини босиб ўтди. Эндиликда бемалол айтишимиз мумкинки, халқаро бозорда Ўзбекистон Республикаси енгил саноати маҳсулотлари иштирокини кенгайтириш бўйича кўрилган чора-тадбирлар ўзининг ижобий натижасини берди. Республикамизга хорижий инвестицияларнинг барқарор кириб келаётгани ҳам қулай ишбилармонлик муҳити яратилгани ва енгил саноатнинг жадал ривожланаётганлигини кўрсатади. Енгил саноатнинг стратегик вазифаси нафақат ярим тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш,

инвестицион дастурларни амалга ошириш, янги қувватларни ишга туширишда ҳудудларнинг талабини ҳисобга олишдир.

Маълумки, миллий иқтисодиётимиз ривожини йўлида айнан энгил саноат тармоқлари соҳасида 2020 йилга қадар Ўзбекистонда энгил саноат экспортини уч баробарга ошириш кутилмоқда. 2017 йилда энг йирик текстил компанияси бўлмиш “Ўзбекенгилсаноат” АЖ тадбиркорлари томонидан 1,146 млрд. доллар қийматига тенг маҳсулот дунёнинг қарийб 60 та мамлакатига экспорт қилинди. “Ўзбекенгилсаноат” таркибидаги корхоналар томонидан ўзлаштирилган сармоя 2,5 млрд.долларга тенг бўлди, чет эл инвесторлари иштироки билан 200 дан ортиқ янги корхоналар ташкил этилди. “Ўзбекенгилсаноат” АЖнинг чет элдаги савдо уйлари сонини 50 дан зиёдга кўпайтириш режалари экспорт ҳажмини оширишга хизмат қилиши кутилмоқда. Шунингдек, бугунги кун талабидан келиб чиқиб, ушбу соҳа мутахассислари томонидан Ўзбекистоннинг экспорт қилиш салоҳиятларини янада кенгайтириш ҳамда жаҳон бозорларига жўнатилаётган юқори устки нархли маҳсулотларнинг кўламини ошириш борасида ҳам чуқур тадқиқотларни олиб боришмоқда.

2016 йил 21 декабрда “2017-2019 йилларда тўқувчилик ва тикув-трикотаж саноатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида”ги Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг қарори чиққанлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимдир. Ушбу муҳим дастурий ҳужжатга кўра, 2020 йилгача 132 та инвестицион лойиҳа амалга ошириши кутилмоқда, уларнинг 50 фоизи чет эл инвестиция ва кредитлари бўлиб, лойиҳаларнинг умумий қиймати 2,2 млрд.долларга тенг. Мазкур лойиҳаларни жорий қилиш натижасида яқин йиллар ичида экспорт салоҳиятини 7-8 млрд долларга ошириш мақсад қилиб белгиланган.

Миллий иқтисодиётимизнинг етакчи тармоқларидан бири бўлган энгил саноат ривожланиши учун мамлакатимизда қулай-иқлим шароитлар, кучли хом-ашё базасига, етарлича меҳнат ресурслари ҳамда малакали кадрларига, ривожланган инфраструктура тармоқларига эгадир.

Ушбу энгил саноат тармоғи кўрсаткичларини таҳлил қилиш ва прогнозлашда натижавий кўрсаткич сифатида энгил саноати тармоғининг ялпи маҳсулоти динамикаси ва унга таъсир этувчи омиллар сифатида тармоққа киритилган инвестициялар, тармоқдаги ишчилар сони ва тармоқ доирасида фаолият кўрсатаётган корхоналар сони олинди.

Ушбу натижавий кўрсаткич ва унга таъсир қилувчи омилларни таҳлил қилишда ҳамда улар ўртасидаги боғлиқликни аниқлашда корреляция коэффицентидан фойдаланиш мумкин. Ушбу корреляция коэффицентидаги боғланиш зичлигидан келиб чиқиб шуни таъкидлаш мумкинки, мамлакатимизда энгил саноат тармоғи ривожланишига энг кўп таъсир этувчи омиллар бўлиб тармоққа киритилаётган инвестициялар ва тармоқда янги ишга туширилаётган корхоналар ҳисобланади. Бундай ёндашувни нафақат назарий, балки амалий жиҳатдан ҳам тўғрилигига ишонч ҳосил қилишимиз мумкин, чунки, энгил саноатга киритилаётган инвестициялар, авваламбор замонавий хорижий техника ва технологиялар кўринишида бўлади. Тармоқда корхоналарнинг ортиб бориши эса, ишлаб чиқариш назарияси функциясидан келиб чиққан ҳолда масштаб самарасини беради.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон энгил саноати ялпи маҳсулоти ва унга таъсир қилувчи омилларнинг қийматини 2017-2020 йилларга қилган прогнозимиз натижалари қуйидагича бўлди (5-жадвал).


5-жадвал

Ўзбекистон Республикаси энгил саноати маҳсулоти ва унга таъсир этувчи омилларнинг 2005-2018 йиллардаги динамикаси ва 2019-2020 йилларга прогноз қийматлари

Йил	Ялпи маҳсулот	Киритилган инвестициялар	Ишловчилар сони	Корхоналар сони
2000	361,5	17,50	31245	68
2001	567,2	43,15	48479	75
2002	876,5	47,32	71260	83

2003	1208,6	104,8	82218	100
2004	1556,7	129,5	96689	117
2005	1833,1	146,9	111774	135
2006	2133,1	168,0	117203	154
2007	2532,8	194,3	126700	176
2008	2993,8	299,0	126500	202
2009	3436,0	170,6	110200	221
2010	4593,1	1487,8	98600	248
2011	5640,7	1696,1	103645	260
2012	6566,6	2035,3	108763	282
2013	7616,5	2544,1	113763	295
2014	9139,9	3307,4	119013	306
2015	10967,8	4464,9	124353	334
2016	11495,5	4611,6	136670	350
2017	12266,5	4947,2	141055	369
2018	13037,6	5282,9	145400	388
2019	13808,6	5618,5	149825	407
2020	14579,6	5954,1	154209	425

Ушбу жадвал маълумотлари шуни кўрсатмоқдаки, будай прогноз кўрсаткичларга эришиш мамлакатимизда енгил саноат ролининг янада ошишига, мамлакатимиз иқтисодиётининг юксалишига, аҳоли бандлиги ва фаровонлиги даражасининг ошишига олиб келади. Яъни ушбу прогноз даврида, яъни 2020 йилда Ўзбекистон Республикаси енгил саноати ялпи маҳсулоти 2016 йилга нисбатан 3084,1 млрд сўмга ёки 1,27 баробарга, ишловчилар сони 136607 минг кишидан 154209 кишигача, ёки 1,1 баробар ортиши мумкин. Корхоналар сони эса 2020 йилда 425тани ташкил этиб, ҳсиш суръати 1,15 матрагача ошиши кутиляпти.



14 - расм. Ўзбекистон Республикаси енгил саноати маҳсулоти ва унга таъсир этувчи омилларнинг 2005-2020 йиллардаги ҳар беш йиллик прогноз қийматлари динамикаси

Юқоридаги жадвал маълумотларидаги прогноз кўрсаткичларини таҳлил қилар эканмиз, бунда асосан ишловчилар сони 2000 йилдан бошлаб ўсиш динамикасида бўлган. Киритилган инвестициялар ва корхоналар сонининг оз миқдорда ошганлиги ишловчилар сонини бир неча баробар зиёдга ошишига олиб келган. Бу эса ўз навбатида енгил саноат корхоналарида аҳоли бандлиги кўрсаткичлари бошқа соҳаларга нисбатан анча юқори. Шунингдек, 2020 йилгача прогноз кўрсаткичларига эътибор қаратадиган бўлсак, бунда ҳам айнан ишловчилар сонининг янада ўсиши кузатилмоқда. Тегишли тарзда қолган кўрсаткичлар ҳам бевосита ўсиш тенденциясида бўлиши прогноз қилинмоқда.

Демак, енгил саноат соҳаси республикада янги иш ўринларини яратиб, бандлик муаммосини ҳал этиш, аҳоли даромадлари ва фаровонлигини оширишнинг бош манбаидир.

Енгил саноат корхоналарининг молиявий барқарорлиги масалалари таҳлил қилинаётган пайтда улар тўловга қобилиятлигини ўрганиш ҳам алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ. Шунга кўра, молиявий барқарорликни таъминлаш нуқтаи назаридан ҳар қандай корхонанинг тўлов қобилияти таҳлил қилинаётган пайтда, асосан, икки масалани назардан кочирмаслик лозим. Улар қуйидагилардан иборат:

а) корхона доирасида мавжуд бўлган ва тўлашга мўлжалланган маблағларнинг миқдори;

б) корхона доирасида мавжуд бўлган тўлов қарзларининг миқдори. Умумэътироф этилган қоида ёки тартибларга қатъий риоя этган ҳолда мамлакатимиз енгил саноат корхоналарининг тўлов қобилиятини таҳлил қилиш жараёнида биз ҳам ана шу икки кўрсаткичларни ҳисобга олган ҳолда иш кўришимиз керак. Бу, энг аввало, енгил саноат корхоналарининг тўлаш учун зарур бўлиши мумкин бўлган маблағларининг таркибини аниқлаб олишни тақозо этади. Ана шу мақсадда амалга оширган тадқиқотларимиз унинг таркибига қуйидагилар кириши мумкинлигини кўрсатмоқда:

а) касса ва ҳисоб рақамидаги пул маблағлари;

б) валюта маблағлари;

в) қисқа муддатли инвестициялар ва бошқа пул маблағлари;

г) тайёр маҳсулот ва товарлар;

д) дебиторлик қарзлари.

Шунингдек, илмий изланишларимиз тўлов қарзларининг таркибини

а) мол етказиб берувчи ва пудратчиларга тўланадиган қарзлар (счётлар);

б) бюджетга тўловлар бўйича қарзлар;

в) солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича кечиктирилган мажбуриятлар;


г) мулкӣ ва шахсий суғурта бўйича қарзлар;

д) мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар бўйича қарзлар;

е) меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қарзлар;

- ё) қисқа муддатли кредитлар ва бошқа қарзлар;
- ж) бошқа жорий мажбуриятлардан иборат бўлиши мумкинлигини кўрсатмоқда.

Шунингдек, таъкидлаш жоизки, енгил саноат маҳсулотлари экспорт салоҳиятини оширишда маркетинг тадқиқотлари муҳим аҳамият касб этади. Бунда ҳар бир ишлаб чиқарувчи ўзи фаолият юритаётган ҳудуд аҳолисининг талабани ўрганган ҳолда, бозорни ўрганган ҳолда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиши лозим бўлади. Яна бир муҳим омиллардан бири сифатида енгил саноат маҳсулотлари экспорт салоҳиятини янада оширишда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жорий этиш ва улар иштирокида юқори технологик қўшма корхоналарни ташкил этишни келтириб ўтишимиз мумкин.



15- расм. «AFROSIYOB JEANS» МЧЖда 2017-2018 йиллардаги экспорт ҳажми, сўмда.

Биз тадқиқот олиб бораётган «AFROSIYOB JEANS» МЧЖда 2017 йил давомида экспорт ҳажми жами 19 267 793 611 сўмлик ёки 3 327 140,99 долларлик маҳсулотни ташкил қилган бўлса, ушбу кўрсаткич 2018 йилда ушбу экспорт қиймати 13 863 820 005,7 сўмга ёки 777 262,72 долларга ошиб

умумий ҳажмда 33 131 613 616,78 сўмни ёки 4 104 403,71 долларни ташкил қилди. Бунда 10 дан ортиқ чет эл корхоналари билан ўзаро ҳамкорликда ишлаб чиқарилган трикотаж маҳсулотлари экспорти бўйича шартномалар тузилган.

«AFROSIYOV JEANS» МЧЖда 2017-2018 йиллар мобайнидаги экспорт ҳажмининг ўзгариш динамикасини қуйидаги жадвал маълумотларидан фойдаланиб таҳлил қилишимиз мумкин:

«AFROSIYOV JEANS» МЧЖда 2017-2018 йиллар мобайнидаги экспорт ҳажмининг ўзгариш динамикаси таҳлили

6 - жадвал

№	Кўрсаткичлар номи	2017 йил январ-декабр	2018 йил январ-декабр	Фарқи, (+,-)	Ўсиш суръати, %
1	Экспорт ҳажми, сўмда	19 267 793 611	33 131 613 616,78	+13 863 820 005,7	172
2	Экспорт ҳажми, долларда	3 327 140,99	4 104 403,71	777 262,72	123,4
3	Экспорт бўйича тузилган шартномалар сони	527 527	625 415	97 888	118,6

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2018 йилда 2017 йилга нисбатан экспорт ҳажми 13 863 820 минг сўмга ёки 72%га ошган. Доллар ҳисобида экспорт ҳажми 2017 йилга нисбатан 2018 йилда 777,26 минг сўмга ёки 23,4 % кўпайган. Тегишли равишда 2018 йилда экспорт бўйича тузилган шартномалар сони 2017 йилга нисбатан 97 888 сўмга ёки 18,6% га ошганлигини кузатса бўлади.

Бу эса ўз навбатида енгил саноат корхонаси бўлмиш «AFROSIYOV JEANS» МЧЖда экспорт ҳажми бир йил мобайнида жуда катта фарқ билан

иждобий томонга ўзгарганлигини ва корхонанинг жаҳон бозоридаги шерикларининг ортаётганлигидан дарак беради.

Ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, барқарорлаштирилган экспорт иқтисодий жараёнларни муваффақиятли амалга оширишдаги муҳим омил сифатида иштирок этиб, ишлаб чиқаришни ҳамда экспортни диверсификация қилиш асосида даромадларнинг ошишига туртки бўлади.

3.3. Енгил саноат корхоналарида бошқариш тизимини янада такомиллаштириш истиқболлари.

Мамлакатимизда енгил саноат ишлаб чиқаришига оқилона раҳбарлик қилиш халқ хўжалигининг янада тараққий этишига ва мустақамланишига ҳар доим улкан таъсир кўрсатиб келган ва келажакда ҳам мана шундай таъсир этиб келиши аниқ. Сабаби, республикаимиз енгил саноатини бошқариш масалалари ҳамиша Президентимиз, Олий Мажлис ва Вазирлар Маҳкамасининг асосий диққат эътиборида бўлиб келмоқда. Бунинг оқибатида енгил саноатни бошқариш тизими миллий иқтисодиёт ва саноат олдида турган вазифаларга боғлиқ равишда муттасил ўзгариб туради.

Юртимизда енгил саноатнинг бошқарув тизимида мустақиллик йилларида эътиборга лойиқ жуда катта ўзгаришлар юз берди. Соҳага оид раҳбарликнинг илмий асослари, ишлаб чиқаришни бошқаришнинг назарий асослари, тамойиллари ва усуллари ишлаб чиқилди, бошқарув тизимида янги ташкилий тузилмалар, бошқарувнинг функциялари, масъул шахсларнинг ҳуқуқлари ва бурчлари кабилар аниқланди. Шундай бўлишига қарамасдан, енгил саноат корхоналарини бошқариш тизимида, ишлаб чиқаришни бошқаришни яхшилаш борасида ўз ечимини кутаётган муаммолар йўқ эмас. Шу боис, келгусида енгил саноат корхоналарида бошқариш тизимини такомиллаштиришнинг асосий йўналишларини аниқлаш алоҳида аҳамият касб этади.

Енгил саноат корхоналарида бошқариш тизимини янада такомиллаштириш учун асосий эътиборнинг қуйидагиларга қаратилиши мақсадга мувофиқдир:

- ◆ енгил саноат корхоналарида инсон омилини максимал даражада фаоллаштириш, яъни интеллектуал салоҳиятни юқори даражага кўтариш;

- ◆ енгил саноат корхоналарида самарали ва сифатли меҳнат қилиш учун керакли шарт-шароитларни ва мотивларни яратиш;

- ◆ ҳудудлар доирасида аҳолининг иш билан бандлигини самарали ва оқилона таминлаш ҳамда бунда ижтимоий адолат тамойилини изчил амалга ошириш;

- ◆ енгил саноат корхоналарида бошқариш тизимини замонавий тажрибалар ва илм-фанга асосланган ҳолда тараққий эттириш ва ишлаб чиқариш жараёнларини жадаллик билан ривожлантириб бориш;

- ◆ мамлакатимизда доимо янгиланиб туриладиган ишлаб чиқариш аппаратининг техника ва технологияларидан оқилона фойдаланишни тўла таъминлайдиган тизим ва инвестиция сиёсатини юритиш;

- ◆ юртимиз енгил саноати тармоғининг асоси бўлмиш илмий салоҳият масалаларини янада мустаҳкамлаган ҳолда уни ишлаб чиқариш жараёни билан бирлаштириш, фан-техника тараққиётининг устувор йўналишларини ва ахборот технологияларини янада жадал ривожлантиришга, хавфсиз ва экологик жиҳатдан тоза ишлаб чиқаришни яратишга, иқтисодиётнинг интенсивланишини таъминлайдиган жараёнларда ресурсларни тежашга эришишга қаратилган илмий-техника сиёсатини амалга ошириш;

- ◆ енгил саноат тармоғига оид барча воситалардан самарали фойдаланиш эвазига ишлаб чиқаришнинг барча сифат кўрсаткичларини янада яхшилашга эътиборни кучайтириш;



16-расм. Енгил саноат корхоналарида бошқариш тизимини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари.

◆ мамлакатимиз миқёсида енгил саноат корхоналари бошқарув тизимини янада такомиллаштириш мақсадида барча вилоятлар ва туманлар манфаатларини акс эттирадиган ва улардан ҳар бирининг миллий иқтисодиёт комплексига қўшадиган ҳиссасини кўпайтиришга ёрдам берадиган ҳудудий сиёсатни амалга ошириш;

◆ республикаимиз миқёсида енгил саноат тармоғи доирасида халқаро меҳнат тақсимотининг, интеграциялашувнинг афзалликларидан янада самаралироқ фойдаланишга қаратилган ташқи иқтисодий сиёсатни амалга ошириш ва бошқалар.

Енгил саноат корхоналари бошқарув тизимида ўзаро келишув асосида вазифалар белгиланиб, ушбу вазифалар иқтисодий ва ижтимоий усуллар ёрдамида ҳал этилиши, ишлаб чиқаришда қатнашувчиларнинг манфаатларини бирга қўшиб олиб бориш асосида демократик йўл билан амалга оширилиши айнан ушбу соҳада бошқарув тизимининг янада такомиллашувига олиб келади.

Шунингдек, енгил саноат корхоналарида бошқарувнинг сифат жиҳатлари, самарадорлиги ҳам жуда кўп омилларга боғлиқдир (17- расмга қаранг):

Ушбу таъсир қилувчи омиллар енгил саноат корхоналари бошқарув тизимида шартли бошқарувнинг технологияси сифатида номоён бўлади. Бунда масаланинг яна бир муҳим жиҳати, ходимларни бошқарув жараёнига жалб қилиш ва уларнинг бу жараёнда манфаатдор сифатида иштирок этиши алоҳида аҳамият касб этади.

Шунингдек, енгил саноат ишлаб чиқариш корхоналарида экспорт салоҳиятини таъминлашнинг муҳим жиҳатларидан бири маҳсулот сифати кўрсаткичларини янада ошириш, улар даражасини янада яхшилаш ҳисобланади. Бунда сифатни бошқариш тамойилига амал қилиш ҳар бир ишлаб чиқариш корхоналарида энг юқори турувчи раҳбардан тортиб, то оддий иш бажаруви ходимгача тегишли бўлган жараёнларни ўз ичига қамраб олади. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини оширишда ишлаб чиқариш ҳажмининг оширилиши, унга сарфланган ресурсларни тежаган ҳолда ижтимоий ҳамда шахсий эҳтиёжларни ҳар тарафлама комплекс равишда қондириш каби муҳим масалалар ўз ечимини кутади. Умуман олганда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини бошқариш – ушбу маҳсулотнинг сифат даражасини тадбиқ этган ҳолда, уни етарли даражада таъминлаб туришни ва сифатнинг юқори даражасига эришилганда уни сақлаб қолиш, келгуси давр учун ҳам айнан сифатнинг юқори поғонасига эришиш лойиҳасини тайёрлаш ва фойдаланиш давридаги бажариладиган барча саъй-ҳаракатлар мажмуини ташкил қилади.



17 - расм. Енгил саноат корхоналарида бошқарувнинг сифат жиҳатлари ва самарадорлигига таъсир қилувчи омиллар

Енгил саноат корхоналарида режалаштирилаётган маҳсулотни ишлаб чиқариш жараёнида, яъни ушбу маҳсулотни айнан ишлаб чиқариш босқичида маҳсулот сифатини таъминлаш амалга оширилади. Айнан ана шу жараёнда маҳсулот ишлаб чиқаришда иштирок этаётган барча моддий-техника базаси, ишлаб чиқаришда сарфланаётган ресурслар ҳамда ёрдамчи ишлаб чиқариш цехларидаги сифатли ташкил этилган жараёнлар муҳим аҳамият касб этади. Бунинг оқибатида эришилган натижалар лойиҳа ёки режа кўрсаткичлари билан таққосланади ва кутилган натижаларга эришилганлигига баҳо берилади. Аниқланган ҳар бир камчилик ёки хатолар ҳар бир босқичда кетма-кет равишда бартараф қилиниши лозим бўлади. Ушбу сифат кўрсаткичлари бевосита тасодифий, маҳаллий ва субъектив омиллар таъсирида бўлар экан, уларнинг маҳсулот сифатига қанчалик ижобий таъсири айнан маҳсулот сифатини бошқариш тизимининг тўғри йўлга қўйилганлигини белгилаб беради. Белгиланган тартибда сифатни бошқариш тизимининг тўғри ташкил этилиши жараёнда содир бўлиши мумкин бўлган

хар қандай кутилмаган тасодифлар ва тартибсизликларнинг олдини олади ва сифатнинг тегишли даражасини сақлаб қолишга эришилади.

Енгил саноат корхоналарида сифат кўрсаткичларини умуман барча жараёнларни бошқариш тизимини янада такомиллаштиришда қуйидагиларни жорий қилиш талаб этилади:

◇ ҳар бир бўғин раҳбарларининг масъулият даражасини ошириш;

◇ бажарилаётган ишлар сифатини назорат қилиш ва сифат даражасини янада ошириш мақсадида назорат органлари вакилларининг иш кўламини кенгайтириш;

◇ сифат кўрсаткичларини оширишда ва назоратини амалга оширишда раҳбарлар билан биргаликда бевосита жамоанинг ҳам иштирокини таъминлаш;

◇ айнан ишни бошқариш ва сифатни таъминлашда бевосита иштирок этувчиларнинг масъулиятини ошириш, бунда рағбатлантириш ва жазолаш усулларидадан фойдаланиш;

◇ қисқа муддатли режалар ва узоқ муддатли стратегияларни ишлаб чиққан ҳолда ва уларнинг жорий қилиниши оқибатида ҳар бир босқичдаги ишларни яхши йўлга қўйиб олиш;

◇ ҳар бир масъулнинг бошқариш тизимини янада такомиллаштиришдаги қўшган ҳиссасини эътиборсиз қолдирмаслик.

◇ келгусида иш жараёнларини янада яхшилаш ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини янада ошириш борасида раҳбар ва ишчи ходимларнинг таклиф ва тавсияларини ўрганиб туриш ва ҳ.к.

Шу билан бирга мамлакатимизнинг иқтисодий стратегиясида, енгил саноат корхоналари бошқаруви тизимини ва унинг энг муҳим функцияси бўлмиш режалаштиришни такомиллаштириш алоҳида ўрин тутади. Бу эса ўз навбатида, енгил саноат корхоналарида ишлаб чиқариш кучлари ва ишлаб чиқариш муносабатларининг тараққиёти билан боғлиқ бўлган вазифалар билан белгиланади.

Енгил саноат корхоналарида ишлаб чиқаришни режалаштиришни такомиллаштириш соҳасида энг аввало, қуйидаги вазифаларни ҳал этиш лозимлиги тавсия этилади:

- 1- режалаштиришнинг, ишлаб чиқаришнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳамда илмий ва техникавий салоҳиятдан самарали фойдаланишдаги таъсирини ошириш;
- 2- енгил саноат корхоналари тизимида фан ва техника тараққиётини жадал ва узлуксиз амалга оширилишини тўғри башорат қила олишга эришиш;
- 3- башоратлашдаги жорий ва истиқболли режалаштиришларнинг ўзаро алоқадорлигини мустақкамлаш технологияларидан кенг фойдаланиш;
- 4- меҳнат, моддий, молия ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини, маҳсулотнинг сифати ва уни янгилаш йўллари акс эттирадиган кўрсаткичлардан кенг фойдаланиб, режа кўрсаткичлари тизимини пировард натижалар сари йўналтиришни кучайтириш орқали такомиллаштириш.

Енгил саноат корхоналарида режалар тузиш бу асосий қилиниши лозим бўлган ишларнинг бир қисмигина холос. Тузилган режаларнинг бажарилиши ва кутилгандан ортиқ натижага эришиш ҳар бир бошқарувчи ва ишчилардан ақл заковат, ташаббускорлик ва фидокорона меҳнат билан ёндашишни талаб этади. Бунда шунингдек, инвестициялардан, моддий, меҳнат ва молиявий ресурслардан оқилона ва самарали фойдаланиш ҳам ўта муҳим жараён ҳисобланади.

ХУЛОСА

Бизга маълумки, юртимизда енгил саноат корхоналарига раҳбарлик қилиш Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий стратегиясига асосланади ва унга мувофиқ амалга оширилади. Ҳар қандай кенг кўламли йирик миқёсда амалга ошириладиган тўғридан-тўғри меҳнат, амалдаги ишлаб чиқариш жараёнлари у ёки бу даражада бошқарувга муҳтождир.

Илмий нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, бошқарувнинг асосий тамойиллари ва усуллари мавжуд бўлиб, улар жамият тараққётининг турли объектларида турлича бўлиши мумкин. Енгил саноат тармоғида бошқариш идораларининг вазифалари, фан-техника ютуқларини жорий этиш, ишлаб чиқариш ва молиявий ресурслардан тўла-тўқис, самарали фойдаланиш асосида жамият аъзоларининг тўхтовсиз ўзгариб бораётган эҳтиёжларини тўлароқ қондиришдан иборатдир.

Енгил саноат корхоналарида ишлаб чиқариш тараққийтини янада жадаллаштиришда бошқарувнинг барча тамойиллари ва усулларини босқичма-босқич амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади. Енгил саноат корхоналарида ишлаб чиқариш самарадорлигининг доимий ошиб бориши объектив зарурат ҳисобланади ва миллий даромаднинг кескин кўпайишига имконият яратиб беради.

Умуман олганда, ишлаб чиқаришнинг иқтисодий-ижтимоий самарадорлиги муҳим категория сифатида қабул қилинган бўлиб, ишлаб чиқариш жараёнининг самарадорлигини, эришилган натижа билан жонли ва буюмлашган меҳнат ўртасидаги нисбатларни ўрганади. Ижтимоий меҳнатни тежаш, унинг унумдорлиги ўсиши самарадорликнинг мезони ҳисобланади. Енгил саноат корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқариш самарадорлигини баҳолашда мутлақ самарадорлик ва қийсий самарадорлик кўрсаткичларига дуч келамиз. Умумий самарадорлик ёки мутлақ самарадорлик кўрсаткичида енгил саноат корхонасидаги мавжуд ишлаб чиқариш ва улар савдосининг умумий ҳажми маълум даврда ўрганилса, қийсий таҳлилда эса умумий ишлаб

чиқариш ва улар савдосининг умумий ҳажми таркибий жиҳатдан қиёсий ўрганилади.

Шунингдек, енгил саноат корхоналарида бошқарувнинг экспорт салоҳиятига ҳам бевосита таъсирини инобатга олиб, ушбу экспорт салоҳиятини янада ошириш йўллари таҳлили қилиб қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

1. Енгил саноат корхоналари маҳсулотлари экспортини янада ривожлантириш ва улар тузилишини яхшилаган ҳолда экспортга йўналтирилган иқтисодий шакллантириш, миллий ишлаб чиқаришни техник иқтисодий жиҳатдан жаҳон даражасига кўтариш, унинг тузилишини янада такомиллаштириш ҳамда мамлакатимиз миллий валюта захирасини кўпайтиришга эришиш.

2. Миллий ишлаб чиқаришни замонавийлаштириш ва кенгайтириш орқали импорт тузилишини ҳам янада такомиллаштириш.

3. Чет эл инвестицияларини жалб қилиш орқали ишлаб чиқарувчи кучларни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш.

4. Экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш учун имтиёзли фоизлар бўйича кўп муддатли кредитлар ажратиш, мўлжалланган инвестицияларни суғурталаш ишларини амалга ошириш лозим.

5. Экспорт ва импорт операциялари билан боғлиқ ҳужжатлаштириш ишларини соддалаштриш ва қулайлигини янада оширишдаги имкониятлардан тўлиқ фойдаланишни йўлга қўйиш.

6. Хориждан келтирилган хом ашё ва материалларнинг ишлаб чиқариш жараёнида қатнашувини камайтириш.

7. Такومиллашган, замонавий бошқарув тизимидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини ҳамда енгил саноат маҳсулотлари экспорт салоҳиятини янада ошириш.

8. Бозор сегментацияси усулларидан самарали фойдаланган ҳолда енгил саноатни ривожлантирувчи самарали режаларни ишлаб чиқиш ва ўз навбатида енгил саноат маҳсулотлари экспорт салоҳиятини янада ошириш.

9. Енгил саноат корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар рақобатбардошлигини янада оширишда ўзига хос бошқарув усулларини жорий этиш, маркетинг бўлими бошқарув кадрларининг малакасини оширишда замонавий усуллардан фойдаланиш, янги техника ва технологияларни жорий қилиш, мунтазам равишда талаб ва таклиф таҳлилини амалга ошириш, нарх турларини жорий қилиш, инвестициялар оқимини кўпайтириш, автоматлаштириш ва модернизациялаш ёрдамида ортиқча харажатларни камайтириш, ҳар бир ишчи ходимнинг психологиясини доимий равишда ўрганиб бориш ва шу қабилар.

**“Ўзбекистон енгил саноатида бошқариш тизимининг шаклланиши ва
уни ривожлантириш” мавзусида бажарилган магистрлик
диссертациясида фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари.

1. Ўзбекистон Республикасининг қонуни. “Тадбиркорлик ва тадбиркорлик фаолияти эркинлиги кафолатлари тўғрисида”. 25 май 2005 йил.
2. Ўзбекистон Республикасининг қонуни. “Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш тартибини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”. 14 декабр 2007 йил

**II. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва қарорлари,
Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли фармони. // www.lex.uz.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 декабрдаги “Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини жадал ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида”ги Фармони.

III. Дарслик ва ўқув қўлланмалар.

1. И.Ансофф Стратегическое управление / Пер. с англ. -М.: Экономика, 2002.;
2. А.Ш.Бекмуродов, Янг Сон Бе. Стратегия развития текстильной промышленности Узбекистана: Кластерный подход. Монография. -Т.: ТГЭУ, 2006. -112 с.;
3. М.Р.Болтабаев Ўзбекистон Республикаси тўқимачилик саноати экспорт имкониятларини ривожлантиришда маркетинг стратегияси: иқтисод фанлари доктори дисс. автореф. -Т.: ТДИУ, 2005. -40 б.;
4. Н.Қ.Йўлдошев, М.Р.Болтабаев, О.К.Рихсимбоев, Б.О.Ғаниев Стратегик менежмент. Ўқув қўлланма. -Т.: ТДИУ, 2003, -102 б.;

5. М.Портер Конкуренция: Пер. с англ. О.Л.Пеляевского. -Исправ. изд. -М.: Вильямс, 2005. -602 с.;
6. Г.Минцберг, Дж.Б.Куинн, С.Гошал Стратегический процесс / Пер. с англ. - СПб.: Питер, 2001. -688 с.; 5. Р.Румельт Оценка бизнес-стратегии / Г.Минцберг, Дж.Б.Куинн, С.Гошал Стратегический процесс. -СПб.: Питер, 2001. -130 с.,
7. В.Л.Квинт Стратегическое управление и экономика на глобальном формирующемся рынке. Учебник. -М.: РДЛ, 2012. -454 с.
8. А.М.Аронов Ключевые факторы успеха стратегического планирования: Словарь-справочник. -СПб.: Лениздат, 2000. -95 с.;
9. А.Ш.Бекмуродов, Янг Сон Бе. Стратегия развития текстильной промышленности Узбекистана: Кластерный подход. Монография. -Т.: ТГЭУ, 2006. -112 с.;
10. О.С.Виханский Стратегическое управление. 2-е изд. перераб. и доп. -М.: Экономист, 2005. -296 с.;
11. В.А.Горемыкин, О.А.Богомолов Экономическая стратегия предприятия. - М.: Филин, Ралант, 2001. -507 с.;
12. В.С.Ефремов Стратегическое планирование в бизнес-системах. -М.: Финпресс, 2001.; А.Т.Зуб Стратегический менеджмент: Теория и практика. - М.: ИНФРА-М, 2002. -308 с.;
13. Н.О.Круглова, М.И.Круглов Стратегический менеджмент: Учебник. -М.: РДЛ, 2003. -462 с.; Н.Н.Тренёв Стратегическое управление. -М: Приор, 2002. - 288 с.;
14. Махмудов Э. Пухта режа – муваффақият асоси. //Ишонч, 1996, №8.
15. Махмудов Э. Корхона иқтисодиёти (ўқув қўлланма). – Т.: ТДИУ, 2004.
16. Д.С.Насырходжаева Формирование стратегии развития промышленных предприятий на отраслевых рынках: Автореф. дисс. докт. экон. наук, -Т.: АН РУз Институт экономики, 2011. -47 с.;
17. Ортиқов А. Саноат иқтисодиёти (дарслик). – Т.: ТДИУ, 2004.

18. Г.М.Остонакулова Ипакчилик тармоғи ривожланишининг маркетинг стратегияси: иқтисод фанлари номзоди диссертацияси.-Т.: ТДИУ, 2010.-147 б.;
19. Ортиқов А. Саноат иқтисодиёти (дарслик). – Т.: ТДИУ, 2004.
20. Рўзиев А. Марказий Осиё давлатлари иқтисодий ва ижтимоий географияси. – Термиз: Сурхондарё, 2000.
21. Рўзиев А., Абиркулов Қ. Ўзбекистон иқтисодий географияси. – Т.: Шарқ, 2001.
22. Рўзиев А., Рўзиев О. Иқтисодий интеграциянинг ҳудудий-географик жихатлари. – Термиз: Сурхондарё, 2001.
23. У.А.Шодмонова Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида энгил саноатнинг барқарор ривожланиш хусусиятлари: иқтисод фанлари номзоди диссертацияси. Ижтимоий-иқтисодий тадқиқотлар маркази. -Т.: 2006. -149 б.;
24. Шарифхўжаев М., Абдуллаев Ё. Менежмент: 100 савол ва жавоб. – Т.: Меҳнат, 2000.
25. С.Н.Юлдашев Акциядорлик жамиятларида давлат мулкани бошқариш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш йўллари: иқтисод фанлари номзоди диссертацияси. -Т.: ТДИУ, 2010. -167 б.
26. Р.А.Фатхутдинов Производственный менеджмент: Учебник. 6-е изд. - СПб.: Питер, 2008. -496 с.
27. <http://www.press-service.uz> – “Президент сайти”.
28. <http://www.gov.uz> – “Ҳукумат сайти”.
29. <http://www.tsue.uz> – “Университет сайти”.

И Л О В А Л А Р